

Биз халқ номидан, халқ учун ишлаймиз, унинг муаммоларини ҳал қиламиз. Агар сайловларда бизни танласангиз ва партиямиз кўрсатган номзодларни қўллаб-қувватласангиз, биз Сиз — азиз юртдошларимизнинг тинч ва фаровон ҳаёти учун курашамиз!

Inson manfaatlari — oliy qadriyat

ADOLAT

IJTIMOIIY-SIYOSIIY GAZETA info@adolatgzt.uz • www.adolatgzt.uz • www.adolat.uz • № 48-son (1269) • 2019-yil 29-noyabr, juma

ФРАКЦИЯ ЙИГИЛИШИ



2019 йил 26 ноябрь кuni Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон “Адолат” СДП фракциясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Депутатлар, партия экспертлари ва фаоллари, тегишли вазирлик, идоралар раҳбарлари, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этган мазкур йиғилишда давлат божи, солиқ сиёсати ва бошқа бир қатор қонун лойиҳалари кўриб чиқилди.

Қонун лойиҳаси фракция муҳокамасида

Йиғилишда дастлаб барча фуқароларнинг ҳаётида муҳим аҳамият касб этадиган “Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси кўриб чиқилди.

Таъкидланганидек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасининг солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепцияси тўғрисида”ги фармони ва Ҳара-

катлар стратегиясини “Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили”да амалга оширишга оид Давлат дастурига мувофиқ ҳалол солиқ тўловчиларни рағбатлантириш ва яширин фаолият юритадиган субъектларни жазолаш механизмларини назарда тутувчи, илгор хорижий тажрибадан келиб чиққан ҳолда, халқаро молия ташкилотлари мутахассислари билан биргаликда Солиқ кодексининг янги тахририни ишлаб чи-

қиш вазибалари белгиланган эди.

Ушбу вазибалардан келиб чиқиб, янги тахрирдаги Солиқ кодекси лойиҳаси Президентининг фармойиши билан тузилган Республика комиссияси ва ишчи гуруҳлари томонидан тайёрланди.

Фракция депутатлари томонидан эътироф этилганидек, янги тахрирдаги Солиқ кодекси лойиҳасида солиқ қонунчилиги нормалари қўлланилиши содда-

лаштирилиб, ундаги қарама-қаршилик ва тушунмовчиликлар бартараф этилиб, интизомли солиқ тўловчиларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш чоралари кучайтирилмоқда. Аynиқса, соҳага замонавий ахборот-коммуникация технологиялари кенг жорий этилаётгани фуқароларга қулайликлар яратиши билан муҳим аҳмият касб этмоқда.

Лойиҳанинг тўғридан-тўғри ишлаши ва амалиёт билан уй-

ғунлигини таъминлаш мақсадида алоҳида солиқ солиш тартибларини бекор қилиш белгиланмоқда. Бу, хусусан, бозорлар учун, гастроль-концерт фаолияти билан шуғулланувчи шахслар, қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилар учун тегишли бўлиб, улар жисмоний шахс бўлса, жисмоний шахслардан олинадиган даромад солигини ва юридик шахс бўлса, умумбелгиланган солиқларни тўлашга ўтказилади.

Депутатлар томонидан таъкидланганидек, Солиқ кодекси лойиҳасида нафақат солиқ тўловчилар, балки солиқ органларининг ҳам ҳуқуқ ва мажбуриятлари, уларнинг жавобгарлиги кучайтирилган ҳолда аниқ ва равшан ифодаланган. Шунингдек, назорат таомиллари содда-лаштирилган бўлиб, солиқ текширувлари турлари 13 дан 3 тургача қисқартирилгани бу нафақат фуқароларга, балки соҳа ходимларига ҳам қулайликлар яратади.

Йиғилишда депутатлар амалдаги Солиқ кодексидан фарқли равишда солиқ органлари жавобгарлиги кучайтирилиб, солиқ аудити натижасида ортиқча тўланган ёки ортиқча ундирилган солиқни қайтариш механизми киритилаётганига алоҳида эътибор қаратишди. Жумладан, юқори турувчи орган ёки суд қарорига асосан куйи солиқ идораларининг солиқ аудит текширувлари бўйича қарори бекор қилинган тақдирда ундирилган маблағлар ундирилган даврдаги Марказий банк қайта молиялаштириш ставкасидан келиб чиққан ҳолда ҳисобланган фоизлар билан қайтариб берилиши белгиланмоқда. Шунингдек, солиқ органи томонидан ўз вақтида қайтарилмаган солиқ суммасининг ҳар бир муддати ўтган кuni учун солиқ тўловчи-га пеня тўланиши белгилаб қўйилаётгани адолатли солиқ сиёсати, дея баҳоланди.

“Адолат” СДП номзодларига овоз беринг!



Наримон УМАРОВ
 “Адолат” СДП томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига 82-Шўрчи сайлов округидан номзод этиб кўрсатилган

XXI аср — Ўзбекистонда иқтисодиётнинг юксалиш даври

Мамлакатимизнинг ҳар жабҳада ривожланиб бораётганлиги, яратилаётган шароитлар ҳамда имкониятлар кўламининг кенглиги бугун фуқаролар эркин ва фаровон яшашига замин яратмоқда. Хусусан, иқтисодиёт соҳасида бу борада талайгина ишлар қилинди. Аммо олдимизда жуда кўплаб қилиниши керак бўлган ишлар бор. Бу вазибалар тўғрисида Ўзбекистон “Адолат” СДП Сайловолди дастури лойиҳасида партиянинг олий мақсади сифатида — ахлоқий ва ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти ҳамда партия адолатли ва самарали солиқ ҳамда бюджет сиёсатини амалга ошириш тарафдори эканлиги қайд этилган.

Адолатлилик — даромадлар, мулк ва ҳокимиятни тақсимлашда кўпроқ тенгликни талаб қилади. Партия ортиқча ҳашамат учун солиқ жорий қилиш, солиққа тортишнинг прогрессив ставкаларини ўрнатиш, ижтимоий ҳимояга муҳтож фуқароларни тўлиқ ёки қисман солиқдан озод қилишни таклиф этади. Шунингдек, айрим қорхоналар учун махсус имтиёзлар беришни маъқулламайди, чунки бу эркин рақобатни чеклайди. Шунинг учун ҳам дастуриимизда имтиёзлар солиқдан озод қилиш кўринишида эмас, балки бюджетга тўловларни амалга оширишдан озод қилиш кўринишида берилиши кераклиги таъкидланган.

Мамлакатнинг иқтисодий кудрати, аввало, бюджетга боғлиқ. Бугунги кунда давлат даромадига ундириладиган барча тўловлар (жарималар, давлат божлари, йиғимлар ва бошқа ундирувлар)нинг бир қисми ИИБ, Адлия вазирлиги, Прокуратура ва бошқа давлат органларига тўғридан-тўғри берилиши бюджетни тўлдирishi мумкин бўлган маблағлар ҳисобига айрим идораларнинг ҳаддан ташқари бойиб кетишига, айни вақтда маблағга зарура-ти бўлган таълим, тиббиёт каби ижтимоий соҳаларнинг маблағ тақчиллигига сабаб бўлади. Энг хавфли томони, бюджетга туширилаётган даромад ҳисобига бойлик орттирадиган идоралар бу маблағларни назоратсиз ишла-тиш имконига эга бўлади. Бу ички коррупциянинг ривожланишига сабаб бўлади.

САЙЛОВ — 2019

Номзодларимизнинг сайловчилар билан учрашувлари давом этмоқда

Ўзбекистон “Адолат” СДП Сурхондарё вилоят ва Шўрчи туман кенгашлари томонидан туман маданият саройида “Биз адолат тарафдоримиз!” шиори остида тадбир бўлиб ўтди.

Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатасига кўрсатилган номзодлар, партиянинг вилоят ва туман кенгашлари вакиллари, маҳаллий Кенгаш депутатлари, фаоллар, ёшлар, хотин-қизлар ташкилотлари вакиллари, кенг жамоатчилик ва оммавий ахборот воситалари, маданият ходимлари, санъаткорлар иштирок этди.



Партиянинг вилоят кенгаши раиси Рустам Ҳамраев сўзга чиқиб, партия Сайловолди дастурида ҳуқуқий демократик давлат барпо этиш, мамлакатимизда адолатли фуқаролик жамиятини шакллантириш, тинчлик ва миллий ҳамжиҳатликни таъминлаш, аҳоли фаровонлигини ошириш устувор вазифа этиб белгиланганини таъкидлади.



Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партиясининг Нуробод туман кенгаши томонидан “Биз адолат тарафдоримиз!” шиори остида тадбир ўтказилди. Ушбу

тарғибот тадбирида партия фаоллари, бошланғич партия ташкилотлари аъзолари, депутатлар, депутатликка кўрсатилган номзодлар, жумладан, Ўзбекистон Республикаси

Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод Шўҳрат Полвонов ҳамда кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этишди.



XXI аср – Ўзбекистонда иқтисодиётнинг юксалиш даври

Шундан келиб чиқиб, партия давлатга ундирилган барча суммалар (жарималар, давлат божлари, поштиналар ва бошқа ундирувлар) тўлиқ давлат бюджетига тушиши ва сўнгра тегишли идораларга тақсимланиши бўйича қонунларга ўзгартиришлар киритилиши ва уларнинг амалга оширилишини айтиб ўтган. Шунингдек, партия давлат бюджетининг ижтимоий йўналтирилганлигини сақлаб қолиш тарафдори ҳамдир. Янги, “ақлли”, инновацион технологияларга асосланган иқтисод – мамлакат қудратининг ошиши, халқ фаровонлиги, ижтимоий барқарорликни таъминлаш ва Ўзбекистоннинг барқарор сиёсий, ижтимоий, иқтисодий ривожланиши асоси ва гаровидир. Бунда инновацияларни яратиш жараёни, инновацион иқтисодиёт ва билимлар иқтисодига ўтиш, **уларни**

яратувчилар учун салмоқли молиявий харажатлар билан боғлиқ ҳолда ривожлантириш асосида кечади. Ушбу соҳадаги лойиҳаларга давлат ресурслари билан бирга, хусусий сектор ва аҳоли маблағларини жалб қилиш даркор. Дастурда илмий-инновацион фаолиятни ривожлантириш ва самарадорлигини ошириш учун қулай шароитларни яратиш бўйича давлат инновацион сиёсатини қўллаб-қувватлаш масаласи таъкидланган. Рақамли технологиялар базасида иқтисоднинг барча соҳаларини янгилашни кўзловчи “Рақамли Ўзбекистон – 2030” Миллий дастурини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш устувор вазифаларимиздан биридир. Бу иқтисодиёт қувватларининг “ёруғликка” чиқиши ва кучайиши ҳисобига мамлакат ялпи ички маҳсулотининг 30 фоизга ошишини таъминлашга имкон беради.

Инсон ҳаётининг сифати у яшаётган атроф-муҳит шароитига бевосита боғлиқ. Бу ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг муҳим кўрсаткичларидан биридир. Биз миллий иқтисодимизнинг “тўртинчи санат инқилоби” принципларига ўтиши тарафдоримиз. Ушбу дастур қайта тикланадиган табиий ресурслардан фойдаланиш, янги манбаларни излаб топиш, бир вақтнинг ўзида табиатга босим ўтказмай туриб, иқтисодни ривожлантириш нукталарини топишга асосланади. Демак, биз, “адолат”чилар, Сиз, азиз сайловчилар томонидан қўллаб-қувватланиб, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига сайланадиган бўлсак, кейинги беш йилликда партиямиз Сайловолди дастурида ўз олдида қўйган вазифаларни босқичма-босқич амалга оширишига кафолат берамиз.

ADOLAT YO'LIDA BIRLASHAYLIK!

NOMZODLARIMIZGA OVOZ BERING!



Аёл – жамиятнинг мустақкам қўрғони бунёдкоридир. Унинг кайфияти яхши бўлса, оила фаровон бўлади, у бахтли бўлса, оила ва жамият бахтли бўлади. Садоқат тимсоли дея таърифланган аёл бугун минглаб ихтиролар қилди, дунё яратувчиларини вояга етказди, имкониётлар сари дадил қадам ташлашни ўргатди. Бу унинг учун оғир кечмади, аксинча, орзу ва умидларининг рўёбига айланди.

Аёлларнинг оғир меҳнати нафақат ишхонада, аввало, уйда, рўзғорда бўлади. Улар меҳнати билан миллионлаб забардаст спортчиларни орда қолдириши мумкин. Ҳар қандай вазифани ўз вақтида бажариб, ҳам оналик, ҳам аёллик шарафини ҳимоя қилишда унда дунёча кучни кўрсата бўлади. Бугун мамлакатимизда аёлларни эъзозлаш, уларни ҳурмат қилиш, улар орасида жиноятчиликнинг олдини олиш масалалари энг муҳим вазифалардан бири сифатида қайд этилмоқда.

Истиқлол йилларида Конституциямиз ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси, Оила кодекси, Фуқаролик кодекси, Жиноят кодекси, “Ўзбекистон Республикасида ногиронларнинг ижтимоий ҳимояси тўғрисида”ги, “Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсат тўғрисида”ги, “Аҳоли бандлиги тўғрисида”ги, “Меҳнат муҳофазаси тўғрисида”ги, “Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида”ги, “Фуқаролар саломатлигини муҳофазаси қилиш тўғриси-



Гулбахор САЙДГАНИЕВА
Ўзбекистон “Адолат” СДП томонидан
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик
палатаси депутатлигига
106-Бонғод сайлов округидан
номзод этиб кўрсатилган

Ҳақ қарор топган жойда халқ фаровон, турмуш осойишта кечади

Мамлакатимиз мустақилликка эришган дастлабки кунлариданоқ ўз олдида аниқ ва қатъий мақсадни белгилаб олди. Халқимиз манфаатлари учун хизмат қиладиган ушбу улуг мақсаддан ҳақон оғирлиги олдинга қараб ҳаракат қилиб келмоқда. Пировардида, бугун биз кўриб турган жаннатмакон Ўзбекистон дунё тамаддунига ўзининг муносиб ўрнига эга бўлмоғи учун кундан-кунга чирой очиб бормоқда.



Фарҳод ИШАНҚУЛОВ
Ўзбекистон “Адолат” СДП томонидан
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик
палатаси депутатлигига
142-Қорақамиш сайлов округидан
номзод этиб кўрсатилган

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, бу яратилаётган имкониётлар, шарт-шароитлар, изчил ислохотларнинг барчаси халқ учун ва халқ манфаатлари йўлида хизмат қилмоқда. Бунда мамлакатда олиб борилаётган самарали бошқарув тизими алоҳида ўрин тутаяди. Унда илгари суриллаётган тамойиллар адолатли, халқчил бўлишига эътибор борган сари кучаймоқда. Ҳўш, Ўзбекистон “Адолат” СДПнинг бу бошқарув тизимида ўрни қандай бўлади? Айтиш мумкинки, партия ўз номига ҳамоҳанг иш юритган ҳолда халқ номидан, халқ учун ва халқ манфаатлари йўлида иш олиб борадиган давлат бошқарувини амалга оширишда бевосита иштирок этади. Барча жабҳаларда адолат тантанаси учун курашади. Адолатни ҳаётининг бош мезонига айлантирган партия бугунги кунда ҳам ўз йўналишида адолатни тарғиб этиб келмоқда. Зеро, адолат — ҳар бир инсон учун!

Бу йил бўлиб ўтадиган Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳамда маҳаллий Кенгашларга сайловларда ҳам Ўзбекистон “Адолат” СДП халқимиз манфаатларига хизмат қиладиган илгор ғояларни илгари сурмоқда. Бу ғоялар асосида биринчи галда халқимиз дарди ва ташвишларининг ечимига қаратилган ижобий ишларнинг пойдевори турибди. Бу пойдевор мустақкам. Чунки, у адолат устига барпо этилган. Адолат эса ҳеч қачон енгилган эмас! У ҳар қанча тўсиқларга, синовларга дуч келмасин, барча замонларда алал-оқибат устуниликни қўлга киритган. Бу йилги сайловларда ҳам,

албатта, адолат тантана қилиши, шубҳасиз. Зеро, адолат ўрнатилган жойда халқ фаровон, турмуш осойишта кечади.

Яна бир муҳим нарсани эътироф этиш керак. Партия қандай йўналишда фаолият олиб бормасин, барчаси инсонлар, фуқаролар манфаати учун! Шунинг учун партия баландровоз ёки қуруқ гаплардан қочиб, одамларга манфаат келтирадиган аниқ ғоя ва ҳаракатларни қамраган бўлиши лозим. Бу ўринда Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси аниқ, изчил ғоя ва йўналишлар йўлидан бориб, сиёсий майдонда бирдамлик, тенглик, адолатчилик шiorлари билан кураш олиб боради. Ушбу шiorларнинг ҳақиқий ҳаётда ўз аксини топиши учун ҳаракат қилади. Бу йилги сайловларда ҳам партия суд-ҳуқуқ, таълим, илм-фан, соғлиқни сақлаш ва бир қанча ижтимоий масалаларда муаммоли ҳолатларнинг бартараф этилишига қаратилган ғояларни кўтариб чиқмоқда. Уларнинг халқ тарафидан чинакам эътироф этилиши эса партиянинг ютуғи ва ғалабаси бўлади. Агар партия парламент ва маҳаллий Кенгашларда кўпчилик ўринни эгалласа, маррага етиш осон! Чунки, халқ партияга ишониб, унинг номзодларини қўллаб-қувватлаган бўлади. Ўз навбатида, партия ҳам билдирилган ишонччи оқлаш учун илгари сурилган ғояларни амалий ҳаётга жорий этишни бошлайди. Зотан, адолат ҳар бир инсонга керак! “Адолат” СДП жамиятда фақат ва фақат адолат учун курашади! Ҳақсизликларни адолат билан ҳал этади!

Бугунги кун аёли ҳар соҳада байроқдор бўлиши шарт

да”ги, “Таълим тўғрисида”ги, “Хотин-қизларга қўшимча имтиёзлар тўғрисида”ги ва бошқа норматив ҳуқуқий ҳужжатларда асосий мақсад ортимиз аёлларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга, опа-сингилларимизнинг фаоллигини оширишга, уларга маънавий-руҳий молад беришга, қолаверса, турли таҳдид ва қотиб қолган эскича қарашлардан ҳимоя қилишга қаратилди.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакики, хотин-қизларимизнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган барча қонун ҳужжатлари халқаро ҳуқуқий меъёрларга асосланади. Ўзбекистон Республикаси Марказий Осиёда биринчилардан бўлиб аёллар ҳуқуқини халқаро меъёр ва ҳуқуқий стандартларга мувофиқлигини таъминлаш мақсадида Аёллар ҳуқуқлари камситилишининг барча шаклларида барҳам бериш тўғрисидаги (CEDAW), аёлларнинг сиёсий ҳуқуқлари ҳақидаги, оналикни муҳофазаси қилиш ҳақидаги халқаро конвенцияларга қўшилди. Бу аёлларимизга берилган эътиборнинг ўзига хос намунаси.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил февраль ойида “Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш бўлишига айлантириш тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонида биноан мамлакатимизда хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий ва социал фаоллигини ошириш, уларнинг турли соҳа ва тармоқларда ўз қобилият ва имкониётларини рўёбга чиқариши учун шарт-шароит яратиш, ҳуқуқ ва қонуний манфаатларига сўзсиз ривож қилинишини таъминлаш, оналик ва болаликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, шунингдек, оила институтини мустаҳкамлаш борасида кенг қўлланма амалга оширилмоқда. Айниқса, уларнинг салоҳиятини юзага чиқариш, баркамол авлодни тарбиялашдаги ролини кучайтириш ва амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларимизда янада фаол иштирокини таъминлаш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланди. Шу

мақсадда Ўзбекистон “Адолат” СДП Сайловолди дастурида аёллар фаоллиги ва ролини оширишда давом этиш, уларни ижтимоий ҳимоя қилиш ва мустаҳкамлаш бўйича кенг миқёсдаги ислохотларни амалга ошириш тарафдори эканлигини қайд этган.

Бугун ҳар бир аёл пассив кузатувчи эмас, балки мамлакатда рўй бераётган демократик ўзгаришларнинг фаол ва ташаббускор иштирокчиси бўлиши керак.

Ўзбекистон “Адолат” СДП ҳам жамият ва давлат ҳаётининг барча жабҳаларида гендер тенглигига эришиш тарафдори. Демак, бугунги кун аёли ҳар соҳада байроқдор бўлиши шарт. Партиянинг Сайловолди дастурида бу борада тақлифларнинг қайд этилганлиги мамлакатимизда аёлларнинг мустақкам ҳимоя қилинишига беришга, уларнинг фаоллигини оширишга хизмат қилади.

Албатта, жамиятимизда хотин-қизларнинг давлат қурилишидаги иштирокини ошириш мақсадида партиямиз фаолиятида аёллар ролини кучайтириб, партия аъзоларининг муайян қисмини аёллар ташкил этишига эришилди. Партия “Аёллар қаноти” томонидан қилинаётган тарғибот ишларидан асосий мақсад ҳам аёлларнинг сиёсий фаоллигини ошириш, жамиятнинг муҳим бўлиши сифатида ролини оширишдир.

Бугунги кунда хотин-қизларимиз сиёсий жараёнларда нафақат фаол иштирокчи, балки жамиятимизнинг катта кучига, шу билан бирга, ҳал қилувчи омилига айланиб бормоқда. 2007 йилда бўлиб ўтган Президентлик сайловида мамлакатимизда илк бор Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига кўрсатилган бир неча номзод қаторида аёл кишининг ҳам номзоди кўрсатилди ва илк бор Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси Спикери лавозимига аёл киши сайланган эди. 2019 йилда эса Олий Мажлиси Сенатининг йигирманчи ялпи мажлисида аёл киши Сенат раиси лавозимига сайланди. Билдирилган бу ишонч ҳар бир аёлнинг миллат, давлат, эртанги кун ва келажак авлодга бўлган ҳурматни намоён этишининг асосий мезони ҳисобланади.

Қонун лойиҳаси фракция муҳокамасида

Аҳамиятлиси, қонун лойиҳасида хизматларни экспорт қилувчиларга қулай солиқ режими яратиш ҳамда икки томонлама солиққа тортиш ҳолларининг олдини олиш мақсадида хизмат кўрсатиш жойи масаласига аниқлик киритилмоқда. Шу билан бирга, хизматларни экспорт қилувчилар экспортга қилинган хизматларидан ҚҚСни қайтариб олиш имкони яратилмоқда. Депутатлар томонидан лойиҳа орқали давлат мулкни со-

тишга ёки ижарага беришга ҚҚСнинг киритилаётгани бу хусусий сектор билан рақобат муҳитини таъминлашга хизмат қилади, дея баҳоланди. Қонун лойиҳаси орқали Ўзбекистон Республикаси солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепцияси доирасида соддалаштирилган солиқ тизимига ўтиш мезонлари қайта кўриб чиқилди ҳамда умумбелгиланган ва соддалаштирилган солиқ тизимлари орасида солиқ юкнини ақинлаштирилишига эришилмоқда.

Фракция депутатлари янги таҳрирдаги Солиқ кодекси лойиҳаси солиқ маслаҳатчилари ташкилотлари, халқаро ва маҳаллий аудиторлик компаниялари экспертлари, хорижий экспертлар ва консультантлар билан муҳокама қилинган ҳолда ишлаб чиқилганлиги унинг ҳаётлигини таъминлашга хизмат қилишини эътироф этишди. Депутатлар таъкидлаб ўтишганидек, ушбу лойиҳа “Адолат” СДП ғояларига мос бўлиб, партия адолатли ва самарали

солиқ ҳамда бюджет сиёсатини амалга ошириш, солиқ сиёсатидан мамлакат ва унинг фуқаролари келажаги манфаатлари учун оқилона фойдаланиш, солиқ механизмлари ва қонунчиликни мукамаллаштириш, фақат катта ижтимоий мақсадларга эришиш учун солиқларни пасайтириш орқали солиқ имтиёзлари тизимини жорий этиш ҳамда солиқ таътиллари, солиқ кредитлари каби солиқ воситалари қўлланилишига алоҳида эътибор қаратади. Қизғин муҳокамалардан сўнг

фракция аъзолари “Адолат” СДПнинг дастурий мақсадлари нукта назаридан келиб чиқиб, ўз тақлиф ва тавсияларини билдирдилар ҳамда қонун лойиҳасини биринчи ўқишда маъқулладилар.

Йиғилишда, шунингдек, “Давлат божи тўғрисида”ги қонун лойиҳаси ҳам кўриб чиқилди. Фракция депутатлари таъкидлаб ўтганидек, ушбу қонун лойиҳаси давлат божини ундиривчи масалаларини белгилайдиган 38 та норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ўзида жамлаган бўлиб, тўғридан-тўғри таъсир кучига эга бўлган ҳужжатдир. Шу билан бирга, унда давлат божини ҳисоблаб чиқариш, тўлаш ва қайтариш тартиби ҳамда давлат божининг миқдорлари назарда тутилмоқда. Депутатлар томонидан таъкидланганидек, ушбу лойиҳани

тайёрлашда халқаро тажриба, хусусан, Озарбайжон, Арманистон, Молдова, Тожикистон Республикаси ва Грузия каби давлатларнинг амалиёти кенг ўрганилганлиги ушбу қонуннинг синфатли тайёрланишига хизмат қилган.

Унга кўра халқаро амалиётда қўлланилаётган юридик аҳамиятга молик ҳаракатларни амалга оширганлик ёки бундай ҳаракатлар учун ваколатли муассасалар ва мансабдор шахслар томонидан ҳужжатлар берганлик учун ундираладиган давлат божи мамлакатимизда амалда бўлган Солиқ кодексидан чиқарилмоқда ва ушбу ҳаракатлар алоҳида қонун лойиҳасига ўтказилди. Шунингдек, ушбу лойиҳа орқали Ўзбекистон Республикаси ҳудудида давлат божлари,

йиғимлари ва бошқа мажбурий тўловлар фақат миллий валютада ундирилиши белгиланмоқда.

Фракция депутатлари эътироф этганидек, давлат божининг аниқ миқдорлари қонун даражасида белгиланиши мамлакатнинг инвестицион жозибадорлигига, давлат божини тўлаишидаги ҳолисликни таъминлаш ҳамда ҳукуматнинг алоҳида қарорларини қабул қилиш йўли билан ставкалар миқдорлари асоссиз оширилишининг олдини олиш имкониётини беради.

Йиғилишда шу каби қонун лойиҳалари кўриб чиқилиб, тегишли қарорлар қабул қилинди.

Анвар ЭГАМҚУЛОВ,
“Адолат” СДПнинг
парламентдаги фракцияси
ижрочи котиби



Сирожиддин РАУПОВ
Ўзбекистон "Адолат" СДП томонидан
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик
палатаси депутатлигига
126-Бешкент сайлов округидан
номзод этиб кўрсатилган

тириш масаласини кўради. Бунинг учун фуқаролик, жиноий, иқтисодий ва маъмурий ишлар бўйича туман, шаҳар ва вилоят судларини оптималлаштириб, умумий юрисдикция судлари ташкил қилишни, уларнинг "халқ судлари" деб номланишини тақлиф қилади. Судьяларнинг халқчиллиги ва халқ олдидаги ҳисобдорлигини таъминлаш, судьяларнинг халқ томонидан сайланиши ва мунтазам равишда ўз фаолияти ҳақида ахборотларни очик эълон қилиши учун қонунларга ўзгартиришлар киритилиши кераклиги таъкидланади. Шубҳасиз, бу тақлифлар соҳа фаолиятини янада тақомиллаштиришда, судьяларнинг халқ олдидаги вазифаларини кучайтиришда, муҳими, адолатнинг таъминланишига хизмат қилади. Аҳолининг судларга бўлган ишончини оширади. Шунингдек, суд ишида адвокатларнинг ролини мустаҳкамлаш ва ҳуқуқла-

қўмаклашиш – демократик ҳуқуқий давлат қуришнинг зарурий шарт ва гаровидир. Қонун ва амалдаги меъёрлардан яхши хабардор ва уни ҳурмат қиладиган фуқарога ўз ҳуқуқларидан тўлиқ фойдаланиши мумкин. Жойларда қонунларнинг бузилиши, ҳокимлар ва бошқа мансабдор шахсларнинг хизмат ваколатлари доирасидан четга чиқиши ёки хизмат ваколатини суистеъмол қилиши ҳолатларидан норозиликлар кўп учрайди. Шу боис биз Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ва унга бўйсунувчи прокурорларнинг қонунларни аниқ ва бир хилда бажарилишини назорат қилиш функциясини кенгайтириш тақлифини илгари сураемиз. Бу эса ҳуқуқий билим ва ўз ваколатидан самарали фойдаланиш тизимини белгилаб беради. Уларнинг фаолиятига бўлган эътиборни кучайтиради.

BIZ KVOTASIZ OLIY TA'LIM
TARAFDORIMIZ!



NOMZODLARIMIZGA
OVOZ BERING!

Юртимиз келажаги соғлом ва баркамол ёшлар қўлида

Бугун мамлакатимизда ёшлар учун яратилган шaroитлар ва имкониятлар кўлами чегара билмайди. Мустақил фикрлайдиган, замонавий илм-фан ва касб-хунарларни пухта эгаллаган, ўз юрти, ўз халқига фидойи, аждоқларимиз бошлаб берган ишни давом эттиришга қодир бўлган, ҳар томонлама соғлом авлодни енгиб бўладими, деган саволни олдимизга қўйсак, албатта, йўқ, дея баралла айтишимиз мумкин. Чунки ўз мақсадларига етишишда бирдам ва доим янгилик сари интилувчи ёшлар бизнинг фахримиз ва ғуруримиздир. Улар бизга куч беради, ифтихор бағишлайди.



Махфуза ИСРОИЛОВА
Ўзбекистон "Адолат" СДП томонидан
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси
Қонунчилик палатаси депутатлигига
34-Зомин сайлов округидан
номзод этиб кўрсатилган

Қонун устуворлиги — энг асосий мезон

Адолат бор жойда қонун устуворлиги таъминланади. Бугун ҳар бир фаолият мезонини тақомиллаштиришда қабул қилинаётган қонун ва бошқа бир қатор меъёрий ҳужжатларнинг ўрни беқарор. Айниқса, ҳуқуқий-демократик давлатда бунга амал қилиш бизнинг бош мақсади- миз ҳисобланади.

Ўзбекистон "Адолат" СДПнинг янги Сайловолди дастурида ҳуқуқий давлатнинг асл негизи тўғрисида жуда аниқ таъриф қайд этилган. Биз учун ҳуқуқий давлат — бу адолатли фуқаролик жамиятининг сиёсий таянчи бўлиб, унда ҳар бир аҳоли аъзоси ҳаққондорлик ва тенглик ҳақидаги қонун устуворлигига амал қилинади, адолатли қонунлар ва адолатли суд ҳокимияти амал қилади, инсон ҳуқуқ ва эркинликларига риоя қилинади, аҳоли фаол фуқаролик позицияси билан ажралиб туради ва умумий қоидалар ва манфаатларга бўйсунушга тайёрдир. Биз учун адолат — қонун устуворлигидир!

Унда партиянинг асосий принциплари — адолат ҳамма ерда ва барча учун, дея қайд этилар экан, бу бора-

да партия суд ҳокимияти "адолатли" бўлиши ҳамда мустақиллик, холислик ва адолат мезонларига бўйсунуши кераклиги айтиб ўтилган.

Дастурда суд тизимини тақомиллаштириш, судлар томонидан қабул қилинган қарорларнинг холислиги ва улар фаолиятининг очикилигини таъминлаш, суд тизими мавқеини ошириш, судьяларнинг дахлсизлигини таъминлашга қаратилган чора-тадбирларнинг фаол тарафдори эканлиги қайд этилади. Энг муҳими — фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш механизминини тақомиллаштириш, жамиятда қонунчилиكنи мустаҳкамлаш масалалари илгари сурилган.

Партия "Судлар тўғрисида"ги қонунни тақомиллаш-

рини кенгайтириш, ҳуқуқий-фуқаролик ва маъмурий-ҳуқуқий хусусиятга эга мунозараларни тартибга солиш, уларни суд ишидаги қарама-қарши томоннинг асосиз шикоятларидан ҳимоя қилиш белгиланган.

Маълумки, суд қарорларини ижро қилиш ваколати айни вақтда прокуратура ва ички ишлар органларига берилган бўлиб, бу ҳолат халқро талабларга жавоб бермайди. Бу борада барча ёқро билан боғлиқ тақомиллаштириш ваколатларини, жазони ижро этиш муассасаларида суриштирув ва тергов ваколатига эга бўлмаган, холис орган — адлия идораларига бериш мақсадга мувофиқлиги таъкидланган. Шунда терговдан норозиликлар камаюди, ҳар қандай ноқонуний хатти-ҳаракатларнинг, қийноқ-таъийқларнинг олди олинади.

Ҳуқуқий маданиятни ривожлантириш, жамиятда ҳуқуқий маданиятни шакллантириш, аҳолининг ҳуқуқий билиминини ошириш ва ўз ҳуқуқларини билишга

Бугунги кунда тергов ва терговгача суриштирув ишлари Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, ИИБ, ДХХ ва Миллий гвардия томонидан амалга оширилади. Ушбу органларда бу мақомдан фойдаланиб, инсон ҳуқуқлари поймол бўлиши ва коррупция каби ҳолатларга дуч келинмоқда. Энг асосийси, Бош прокуратуранинг тергов устидан назорат функцияси пасайиб бормоқда. Бунинг олдини олиш учун барча ёқро билан боғлиқ тақомиллаштириш ваколатларини, жазони ижро этиш муассасаларида суриштирув ва тергов ваколатига эга бўлмаган, холис орган — адлия идораларига бериш мақсадга мувофиқлиги таъкидланган. Шунда терговдан норозиликлар камаюди, ҳар қандай ноқонуний хатти-ҳаракатларнинг, қийноқ-таъийқларнинг олди олинади.

Албатта, ҳуқуқий ижтимоий давлатда юрт келажагини рағбатли равишда, фуқаролар учун осойишталикни таъминлаб бериш, қонун устуворлигини кўрсатиш энг муҳим мезон ҳисобланади. Биз, "адолат"чилар ҳамisha қонун устуворлиги тарафдоримиз ва бу йўлда ўз қатъий позициямизда турамиз.

Албатта, бугун катта умид, орзу-мақсадлар билан Ватанимиз тараққиётига хисса қўшаман, дея белини маҳкам боғлаб майдонга чиқаётган шижоатли ёшларимизни қўллаб-қувватлаш барчамизнинг бурчимиздир. Бу борада эса партия тизимини "Еш адолатчилар" қаноти, "Истеъдодли ёшлар клуби" ташкил этилди. Жойларда иқтидорли ёшларнинг фаолиятини ўрганилиб, қўллаб-қувватланди, турли танловлар доирасида уларнинг сиёсий саводхонлиги ривожлантирилди. Айниқса, "Конституция билимдони" кўриктанловининг ташкил этилганлиги унда иштирок этган мингдан ортиқ ёшларимизнинг ҳуқуқий таълим-тарбиясини ошириб, энг муҳими, сиёсий жараёнларда фаол иштирокини таъминлади.

Партия Сайловолди дастурида ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, ёш авлоднинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш тизимини тубдан қайта шакллантириш, энг долзарб муаммоларини фаол ва самарали ечиш, уларга ҳар томонлама ёрдам кўрсатиш масалаларига жуда катта эътибор қаратилган. Шунингдек, ёшлар ташкилотлари фаолияти самарадорлигини ошириш, ёшларнинг уй-жой ва маиший шaroитларини яхшилаш, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари раҳбарлари томонидан

ёшлар билан очик ва доимий мулоқотлар ўтказиш бўйича чора-тадбирларни қўллаб-қувватлаш тарафдори эканлиги қайд этилган. Партиянинг устувор вазифаси сифатида ёшларнинг ҳуқуқ, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, уларни миллий ва умуминсоний қадриятларини ҳурмат қилиш руҳида тарбиялаш, уларнинг тафаккурида мустақиллик, миллий ўз-ўзини англаш, Ватанга муҳаббат ва унинг тақдирини дахлдорлик ҳисси, фидокорлик каби туйғуларни уйғотиш ва ёшларни турли мафкуравий таҳдидлардан чегаралаш сингари аниқ вазифалар белгилаб берилган. Дастурда билдирилган ҳар бир мақсад ва вазифа янги авлодни тарбиялаш ва уларга сифатли таълим бериш ва қамраб олган. Чунки янги авлодни тарбиялаш — халқни тарбиялаш демокдир.

Юртимизда таълим соҳасида ўқув муассасаларини қуриш, реконструкция қилиш, капитал таъмирлаш борасидаги изчил ишлар давом эттирилмоқда. Айниқса, таълим тизимини моддий-техник базасининг янгиленганлиги, замонавий ахборот-коммуникация технологиялари билан таъминланганлиги ёшларимиз учун имкониятларни кенгайтирди. Аммо бу борада олдимизда ҳали қилиниши керак бўлган амалий ишлар талайгина. Партия тизимда

учраб турадиган муаммоларни ҳал этиш, уларнинг амалий ечимини топишни мақсад қилиб қўйган экан, ўз Сайловолди платформасида айни мана шу мақсад йўлида қилиниши керак бўлган аниқ вазифаларни қайд этган.

Мамлакатимизда ёшлар спортини ривожлантириш, уларни мунтазам спорт билан шуғулланиб боришлари учун ҳам эътибор кучаймоқда. Ушбу тизим йўлида спорт иншоотларини ҳар томонлама ривожлантириш ва уларни замонавий инвентарлар билан жиҳозлаш учун барча зарур шaroитлар яратилмоқда. Бу эса уларнинг ҳам маъна, ҳам жисмонан соғлом авлод бўлиб-веяга етишишлари учун асосий бўлибди. Шубҳасиз, жисмоний ва маънавий жиҳатдан соғлом авлод бизнинг энг катта бойлигимиз ҳисобланади. Энг муҳими, замонавий билим ва тафаккурга, соғлом дунёқарашга эга, ривожланган давлатлардаги тенгдошлари билан беллашишга тайёр навқирон авлодимиз катта ишонч билан ҳаётга дадил кириб келаётгани барчамизнинг қувонтиради. Ана шу қувончнинг бардавомлиги йўлида маъсулиятни ҳис этган ҳолда ёшларнинг интеллектуал салоҳиятини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратамиз. Зеро, Ўзбекистон келажаги соғлом ва баркамол авлод қўлидадир.



Максуд ХОМИДОВ
Ўзбекистон "Адолат" СДП томонидан
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси
Қонунчилик палатаси депутатлигига
25-Шоҳруд сайлов округидан
номзод этиб кўрсатилган

ADOLAT
HAR BIR
INSON UCHUN

NOMZODLARIMIZGA OVOZ BERING!

Сифатли таълим — тараққиёт таянчи

Партияимизнинг Сайловолди дастурида олий таълим тизимини тақомиллаштириш, моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, замонавийлаштириш, АКТ воситалари билан таъминлаш, етакчи педагогик технологияларни ўқув жараёнига кенг жорий қилиш тарафдори эканлиги алоҳида таъкидланган. Ушбу соҳада устувор вазифаларнинг белгилаб олинганлиги қайд этилган.

Шунингдек, партия олий таълимга кириш квоталарини босқичма-босқич ошириб бориш ва имтиҳонларни фақат бюджет (давлат гранти) асосида қирадиганлар учун қолдиришни, контракт асосида ўқишни истайдиганлар учун имтиҳон ва синовларсиз ўқишга қабул қилишни йўлга қўйишни тақлиф этган. Бу ёш авлоднинг таълим

олиш имкониятини кенгайтириш ҳамда сифатли таълим олишига хизмат қилади. Ўқишга киришни осонлаштириш, аммо ўқишга бўлган талабни кучайтириш партия Сайловолди платформасида алоҳида таъкидланган. Талаба яхши ўқимаса, курсдан курсга қолиб, яна қайта контракт пулини тўлаб ўқийди. Қачонки, талаба дав-

лат стандартлари бўйича имтиҳонларни муваффақиятли топширса, унга олий маълумотлилик ҳақида битирув дипломи берилади. Бу йўл ҳам таълим сифатини ошириб, кадрлар ўртасида соғлом рақобатни кучайтириш ҳамда тизимда коррупциянинг олдини олишга хизмат қилади. Таълим сифати ривожланса,

ҳар бир соҳада ривожланиш кучаяди. Хусусан, тиббиёт тизимини ҳам. Партия ўзининг Сайловолди дастурида аҳолига сифатли тиббий хизмат кўрсатиш тарафдори эканлигини алоҳида қайд этган.

Бунда партия соғлиқни сақлаш соҳасининг хусусий секторини барқарор ривожланишнинг муҳим омилларидан бири сифатида тан олиш билан бирга, соғлиқни сақлаш тизимини давлат секторини мустаҳкамлаш, соғлиқни сақлаш соҳасида юқори малакали хорижий мутахассислар сони ва инвестицияларни кенгайтириш, кадрлар малакасини ошириш ва тайёрлаш самарали тизимини шакллантириш, тиббиёт туризми ва тиббий хизматлар экспортини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратади.

Бунда белгиланган устувор мақсад — замонавий, юқори технологияли, самарали тез тиббий ёрдам хизматини шакллантириш. Партия шошилинч тез тиббий ёрдам тезкорлигининг замонавий жаҳон талабларига мос бўлиши, унинг юқори технологиялиги ва самарадорлигини таъминлаш, шошилинч тез тиббий ёрдамни бошқаришнинг ахборот тизимини жорий қилиш, тез тиббий ёрдам хизмати моддий-техника базасини мустаҳкамлаш тарафдоридир.

Айниқса, мактаб ва мактабгача таълим муассасаларида болаларга тиббий хизмат кўрсатиш таъминоти тизимини мустаҳкамлаш, скрининг ва перинатал марказлари, аёллар тиббий маслаҳатхоналари, туғруқ комплекслари, гинекологик ва патронаж хизматлари фаолиятини доимий яхшилаш дастурда белгиланган асосий вазифалардан бири ҳисобланади. Болалар тиббиёт бирлашмалари тизими(мактаб тиббиёти)ни тубдан яхшилашга қаратилган "Соғлом болалик" лойиҳасини амалга оширишни тақлиф қилинганлиги мактаб ёшидаги ўқувчиларнинг мукамал билим олишига ҳамда тиббиёт тизимини мавжуд касалликларнинг кескин камайишига қўмаклашади. Дастурда бу борада аниқ тақлифларнинг ишлаб чиқилганлиги ҳамда фаолиятнинг ҳар бир мезонини тиббиёт ва таълимнинг алоҳида ўрни борлиги аҳамиятлидир.

Хулоса ўрнида айтадиган бўлсак, бугун жамиятни таълим ва тиббиётсиз тасаввур этиб бўлмайди. Ҳар икки соҳанинг ривожланишида, шубҳасиз, партиянинг ташаббуси ҳамда фаолияти аҳамиятлидир. Биз, партия фаоллари ушбу эзгу вазифаларни амалга оширишда партияга ҳамisha камарбастамиз.

Халқимизда “Бойликнинг боши соғлиқ” деган мақол бежиз айтилмаган. Негакки, саломатликни ҳар қанча моддий бойлик ва маблағ эвазига сотиб олиб бўлмайди. Мустақкам саломатликка эга инсонгина ўзини бахтли ҳис қилади. Шу боис ҳам партия соғлиқни сақлаш тизимидаги ислохотларни янада чуқурлаштириш тарафдоридир.

Бойликнинг боши соғлиқ

Тўғри, ўтган йилларда тиббий ёрдам марказлари, туман тиббиёт бирлашмаларида ихтисослаштирилган бўлимлар ташкил этилиб, бепул, шови-линч ёрдам кўрсатиш ишлари жадаллашди. Бўлғуси оналарнинг саломатлигини мунтазам назорат қилувчи замонавий хизмат турлари — скрининг марказлари ташкил этилди, туғуруқхоналарнинг моддий-техника базаси мустақкамланди. Замонавий техника билан жиҳозланган қишлоқ врачлик пунктлари аҳолига сифатли тиббий хизмат кўрсатмоқда. Соғлиқни сақлаш соҳасини янада такомиллаштириш, аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш сифатини тубдан яхшилаш бўйича давлат раҳбарининг қатор қарор ва фармонлари қабул қилиниб, халқимизнинг соғлом ва узоқ умр кечирishiни таъминлаш масаласига жиддий эътибор қаратилмоқда.

Кўрсатилаётган тиббий хизмат даражасини юксалтириш билан бирга, аҳолини сифатли ҳамда арзон дори воситалари билан таъминлашни яхшилаш чоралари кўриляпти. Аҳоли ва тиббиёт муассасала-

рининг арзон ва сифатли дори-дармон воситалари ҳамда тиббиёт буюмлари билан таъминланганлик даражасини янада ошириш, уларнинг нархини белгилаш бўйича очик-ошкора механизм жорий этиш, мамлакатимизда арзон ва сифатли препаратлар бўлишига қарамасдан, ташхис қўйиш ва даволаш стандартларида кўзда тутилмаган ҳамда асосан қиммат импорт дори-дармон воситаларини тавсия этиш каби номақбул амалиётнинг олдини олиш ва келгусида бундай ҳолатларга йўл қўймалик мақсадида Президентимизнинг “Аҳолини дори-дармон воситалари ва тиббиёт буюмлари билан таъминлашни янада яхшилашга доир чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори қабул қилинди.

Шунга қарамай, дориларнинг ноқонуний айланиши, сифатсиз дори воситаларининг дорихоналарда врачлар рецетписиз сотилиши натижасида доридан захарланиш ҳолатлари қайд этилмоқда. Ўзбекистон “Адолат” СДП томонидан жойларда аҳоли билан ўтказилаётган бевосита мулоқотлар, худудларни ихтимой-иқтисо-

дий ривожлантиришнинг ҳолатини ўрганиш давомида жойлардаги дорихоналар фаолияти ҳамда уларда дори воситаларининг қатъий белгиланган нархларда сотилиши юзасидан амалга оширилаётган ишлар аҳоли ва даволаш стандартларида кўзда тутилмаган ҳамда асосан қиммат импорт дори-дармон воситаларини тавсия этиш каби номақбул амалиётнинг олдини олиш ва келгусида бундай ҳолатларга йўл қўймалик мақсадида Президентимизнинг “Аҳолини дори-дармон воситалари ва тиббиёт буюмлари билан таъминлашни янада яхшилашга доир чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори қабул қилинди.

Партия жамиятимизда қонун ва адолат устуворлигини таъминлаш, аҳолига сифатли тиббий хизмат кўрсатиш ва уни дори-дармон воситалари билан таъминлашни яхшилаш, тиббиёт йўналишидаги таълим тизимини ислоҳ қилиш, мазкур соҳалардаги норматив-



Зухра ИБРАГИМОВА
Ўзбекистон “Адолат” СДП томонидан
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси
Қонунчилик палатаси депутатлигига
3-Элликқалъа сайлов округидан
номзод этиб кўрсатилган

ҳуқуқий базани мустақкамлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратади. Шунингдек, партиямиз дори воситаларининг ноқонуний айланиши, қалбакилаштирилган ва сифатсиз дори воситалари сотилишининг олдини олиш тарафдоридир. Биз келажакда ҳам қалбаки ва ноқонуний дори воситаларига қарши курашишга алоҳида эътибор қаратамиз. Шунингдек, давлат дорихона муассасалари тармоғини кенгайтириш ҳамда соғлом рақобат муҳитини яратиш ва дори-

дармонлар нархини пасайтириш омили сифатида улар учун чекланган рентабеллик даражасини ўрнатиш, давлат дорихоналари орқали аҳоли эҳтиёжини қоплайдиган ҳамда дори воситалари билан таъминланиши учун ҳаракат қиламиз. Ички бозорни мамлакатимизда ишлаб чиқарилган дори-дармон воситалари ва тиббиёт буюмлари билан тўлиқ таъминлаш учун республика фармацевтика саноатини янада самарали ривожлантириш, дори-дармон воситалари нархларининг асосисзи оширилаётгани, бир хил дори воситаларининг нархларида катта фарқ борлиги сингари соҳадаги айрим муаммоларнинг тезкорлик билан бартараф этилишини истаймиз. Ушбу муаммолар ҳақида нафақат гапириш, айни дамда уларни ҳал этиш бўйича ҳам аниқ чора-тадбирлар режасини ишлаб чиққанмиз.

Албатта, дори воситалари ишлаб чиқариш кўлами ортиси уни сотиш, харидор топиш муаммоси туфайли реклама, маркетинг каби тушунчалар ёрдамга келади. Глобал тармоқда фармацевтика маҳсулотларини реклама қиладиган

сайтлар пайдо бўлмоқда. Шунингдек, бундай сайтлар орқали шифокорларни жалб қилган ҳолда форумлар ташкил этиляпти. Унда маркетингнинг турли усуллари – танлов, лотерея ва бошқа механизмлар ишга солинмоқда. Натижада дунё матбуоти, интернет орқали айрим хасталиклар ҳақида шов-шув кўтарилди. Бироз вақт ўтган, “Бош оғриги, тиш оғриги, томоқ оғриги бирпасда қолади, ана, доридан олиб ич”, қабилидаги рекламалар пайдо бўлади. Шу боис, партия кейинги 5 йиллик фаолияти давомида дори-дармонлар соҳасидаги муаммоларни тўлиқ ўрганиб, ҳуқуқматга ечим бўйича таклифлар киритишни йўлга қўйиш, хусусий тиббиёт устидан давлат-санитария назоратини кучайтириш масалаларига жиддий эътибор қаратади. ОАВда дорилар рекламасини имкон қадар чеклаш, аптекалардан дори воситаларини сотиб олишда врач рецетпи асосида берилишини қатъий белгилашни мақсад қилган.

Бир сўз билан айтганда, бизнинг мақсадимиз, Сизнинг бойлигингиз бўлган соғлигингизни асраб-авайлашга қаратилган.

ADOLAT BOR JOYDA TARAQQIYOT BOR!

ЎЗБЕКИСТОН
ADOLAT
СОЦИАЛ-ДЕМОКРАТИК
ПАРТИЯСИ

NOMZODLARIMIZGA OVOZ BERING!

Номзодларимизнинг сайловчилар билан учрашувлари давом этмоқда

Ўтаётган ҳар бир кунимиз жорий йилнинг 22 декабрида бўладиган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ҳамда халқ депутатлари вилояти, туман ва шаҳар Кенгаши депутатлигига сайловларга яқинлаштириш. Мазкур сиёсий жараён сиёсий партиялар, айниқса, депутатликка номзодлар учун катта синов бўлиши аниқ.



Шу боисдан ҳар бир сайлов округида юртимиздаги бешта сиёсий партия томонидан кўрсатилган номзодлар ўз сайловчилари билан юзма-юз мулоқотларга киришган.

Ўзбекистон “Адолат” СДПнинг Навоий вилоят кенгаши мажлислар залида сайловчилар билан партияимиз томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига 38-Навоий сайлов округидан номзоди кўрсатилган

Инна Коржикованинг учрашуви бўлиб ўтди.

Учрашувни кириш сўзи билан очган партиянинг Навоий вилоят кенгаши раиси ўринбосари Баҳриддин Қурбонов номзоднинг таржимаи ҳоли билан таништирди. У ўз сўзида номзод Инна Ивановна Навоий вилояти Рус миллий маданияти маркази раҳбари, бир вақтнинг ўзида шаҳардаги Фарҳод маданият саройи маънавият тарғибот масалалари бўйича услуб-

чили сифатида фаолият кўрсатиб келаётганлигини эътироф этди.

Учрашувда Инна Ивановна сўзга чиқиб, иштирокчиларни ўзининг дастури билан батафсил таништирди. Узро савол-жавоб тарзида ўтказилган учрашувда сайловчилар номзодга аҳолини қийнаб келаятган долзарб масалалар хусусида саволлар беришди.

Хусусан, Навоий шаҳри ҳамда Кармана тумани худудида мамлакатимиздаги йирик ишлаб чиқариш заводлари “Навоий Азот” АЖ, Навоий ИЭС жойлашганлиги, улардан мунтазам ҳавога чиқаётган захарли моддалар шу худудда яшаётган аҳоли саломатлигига жиддий хавф туғдираётганлиги, шунингдек, вилоятнинг чекка туманлари аҳолиси ўртасида кузатилаётган муаммоларни бартараф этиш борасидаги саволларга номзод жавоб берди.

Шуни алоҳида таъкидлаш кераки, сайловчилар билан юзма-юз мулоқотларда, ОАВдаги телекўрсатувларда Ўзбекистон “Адолат” СДП томонидан кўрсатилган номзодлар ўзларининг ҳар томонлама салоҳиятини, халқимиз учун хизмат қила оладиган, теран фикрли ҳамда кенг дунёқарашга эга эканликларини исботламоқдалар. Халқчил ғоялари билан бошқа партия номзодларига нисбатан кўпроқ сайловчилар ишончини қозонишмоқда.

Акбар ЖАЙНАРОВ,
Навоий вилоят кенгаши матбуот котиби

Айни кунларда мамлакатимизда сайловолди тарғибот-ташвиқот ишлари жадал тус олмоқда. Хусусан, сиёсий партиялар томонидан кўрсатилган номзодлар иштирокида дебатлар ўтказилаяпти.

Навбатдаги дебат Паркент туманидаги 29-сонли мусиқа ва санъат мактабида 5 та сиёсий партия номзодлари иштирокида бўлиб ўтди.

Унда партиямиз томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига 93-Паркент сайлов округидан номзоди кўрсатилган Ўзбекистон “Адолат” СДП янги Сайловолди дастури билан таништирди. Дастурда илгари сурилган ғоя ва мақсадлар

сайловчиларда катта қизиқиш уйғотди.

Қизгин руҳда ўтган дебат давомида сайловчилар ўзларини қизиқтирган саволлар ва долзарб муаммолар юзасидан номзодимизга мурожаат этдилар. Хусусан, туманда соғлиқни сақлаш тизимини янада ривожлантириш, тиббий хизмат учун нархларни тенг белгилаш, сифатсиз ва қалбакилаштирилган дори-дармон воситаларининг олдини олиш, шунингдек, таълим соҳасини янада ислоҳ этиш, ёшларнинг билим олиш-



Фотима САТТАРОВА,
Тошкент вилоят кенгаши
матбуот котиби

мов атрофича жавоб берди.

“Адолат” социал-демократик партияси томонидан кўрсатилаётган ҳар бир номзод мамлакатимиз парламенти ва маҳаллий Кенгашларига бўладиган сайловларни юқори савиёда, халқаро ҳуқуқ нормалари, миллий қонунчилик талабларига, демократик сайлов ўтказишнинг қонунийлик, тенглик, эркинлик, умумийлик, очик-ошкоралик ва адолатлилик каби инсонпарвар принципларига тўлиқ мос ҳолда ташкил этиш ва ўтказишга бор билим, имконият ва тажрибаларини сарфарб этмоқда.

Фотима САТТАРОВА,
Тошкент вилоят кенгаши
матбуот котиби



Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига 28-Пайкент сайлов округидан номзод этиб қўйилган Дилшод Бозоров Олот тумани сайловчилари билан учрашди.

Тадбир давомида Дилшод Бозоров сайловчиларни ўзининг дастури билан таништирди. Таъкидлаш лозимки, номзоднинг дастурида таълим тизимини тубдан такомиллаштириш, имкониятларни кенгайтириш, шароитлар кўламини юқори даражага кўтариш масалалари асосий ўринда қайд этилган. Шунингдек, умумий ўрта таълим сифатини тубдан яхшилаш, умумтаълим мактабларини ҳақиқий билим масканларига айлантириш, болалар спорти ҳамда мусиқа ва санъат мактабларини сон ва сифат жиҳатдан янгилаш, болаларнинг мутолаа маданиятини ривожлантириш, ўқитувчилар ҳуқуқий мақомини янада кўтариш, уларнинг иш ҳақи ва ижтимоий мавқеини оширишга қаратилган ташкилий-ҳуқуқий

чора-тадбирларни амалга ошириш, педагогика мийлини бўлган ёшларни мақсадли тарбиялаб бориш бўйича вазифаларни амалга ошириш, ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда илм-фаннинг ўрнини кучайтириш, инновацион иқтисодиётга ўтиш, илм-фан ва ишлаб чиқариш ҳамкорлигини мустақкамлаш чораларини кўриш масалалари алоҳида эътиборда тутилган.

— Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига номзоди қўйилган Дилшод Бозоров билан бўлиб ўтган учрашув фуқароларнинг ишончини оширди. Айниқса, унинг дастури барчада қизиқиш уйғотди. Бу каби учрашувларнинг ўтказилиши сайловда олотлик-

ларнинг фаоллиги ва ташаббускорлигини оширади, шунингдек, ҳар бир номзоднинг дастури билан олдиндан танишиб боришга имкон беради, — дейди халқ депутатлари Олот тумани Кенгаши депутати Нодир Олтиев.

Номзоднинг дастури билан танишган сайловчилар ўзларининг фикр-мулоҳазаларини билдиришди. Таълим тарақиёти йўлида қилиниши керак бўлган амалий ишларнинг аниқ натижалари хусусида таклифларини ўртага ташлашди.

Номзоднинг дастури сайловчилар томонидан қўллаб-қувватланди.

Бухоро вилоят кенгаши
матбуот хизмати

Номзодларимизнинг сайловчилар билан учрашувлари давом этмоқда

Тадбирда 82-Шўрчи сайлов округига Ўзбекистон “Адолат” СДПдан қўйилган номзод Наримон Умаров сўзга чиқиб, жамиятимизда адолат тамойилларининг барқарорлиги, ижтимоий адолат мезонларига тўлиқ риоя этилиши учун



курашиш “Адолат” социал-демократик партиясининг энг асосий мақсади эканлигини таъкидлаб ўтди. Наримон Умаров ўз сўзида сайловчиларга партия Сайловолди дастурининг асосий йўналишларини баён қилар экан, халқ учун муносиб ҳаёт шароити яратиш, давлат ва жамият бошқарувида аҳолининг муносиб иштирокини таъминлаш, сиёсий ислохотларнинг янада чуқурлаштирилиши, жамиятда демократик қадриятларнинг мустаҳкамланиши ва ривожланиши, адолат, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини устуворлиги таъминланиши



устувор мақсад этиб белгиланганини таъкидлаб ўтди. Наримон Умаров сайловчиларни ўз дастурида белгиланган мақсад ва вазифалар билан ҳам таништириб ўтди.

Шундан сўнг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодлар Саида Турсунова, Махмуд Гадоишоев, Саломат Назаровалар аҳолининг талаб ва эҳтиёжларидан келиб чиқиб, мамлакатни демократлаштириш ва янгилаш, ижтимоий-сиёсий, социал-иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш бўйича устувор вазифаларни ҳал этишда “Адолат” социал-демократик партиясининг ўрни ҳақида фикр билдиришди ва тадбир иштирокчиларини ўзларининг дастурлари билан ҳам батафсил таништирдилар.

Ўзаро савол-жавоб тарзида ўтказилган учрашувда сайловчилар номзодларимизга аҳолини қийнаб келаётган долзарб масалалар хусусида саволлар беришди. Шунингдек, вилоятнинг чекка туманлари аҳолиси ўртасида кузатилаётган муаммоларни бартараф этиш бўйича саволларга номзодлар атрофлича жавоб қайтардилар.

Гулшод ТУРСОАТОВА,
Сурхондарё вилоят кенгаши матбуот котиби

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва маҳаллий Кенгашларга ўтказилган сайловчиларга оз муддат қолди. Ушбу муддат оралиғида депутатликка номзод этиб кўрсатилганлар имкон қадар ўз дастурлари билан халқни яқиндан таништиришмоқда.

Шундай учрашувлар Ховос, Сирдарё, Бобўт туман ва Ширин шаҳарларида ҳам ташкил этилди. Унда Ўзбекистон “Адолат” СДПдан Олий Мажлис Қонунчилик палатасига кўрсатилган номзод Иномжон Қудратов ҳамда халқ депутатлари вилоят ва Ховос туман Кенгашларига тузилган 33-Қаҳрамон сайлов округидан кўрсатилган номзодлар Илҳом Эрбеков, 30-“Ширин” сайлов округидан Баходир Маматқулов, 20-Пахтазор сайлов округидан Фахриддин Каратаевлар халқ олдида ўзларининг илгари сураётган дастури хусусида маълумот бердилар. Уларнинг режа ва мақсадлари партия Сайловолди дастурига ҳамоханг тарзда халқчил эканлиги эътироф этилди.

Беҳзод АБДУЛЛАЕВ,
Сирдарё вилоят кенгаши раиси ўринбосари

Унда партиянинг туман кенгаши раиси Нодира Ботирова сўзга чиқиб, партия Сайловолди дастурида илгари сурилаётган тақдирлар, амалга оширилаётган ишлар ҳақида маъруза қилди.

Тадбирда партия томонидан илгари сурилаётган олий таълим муассасаларига квотасиз ҳамда шартнома асосида ўқиб истагида бўлганларни имтиҳонларсиз қабул қилиш, болаларни мактабгача таълим муассасаларига қамраб олиш даражасини икки баробарга кўтариш, ўқитувчилар ҳуқуқий мақомини, иш ҳақи ва ижтимоий мақомини яхшилашга қаратилган ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирларни амалга



Мамлакатимиз бўйлаб депутатликка номзодларнинг ҳамда ишончли вакилларнинг сайловчилар билан учрашувлари қизгин паллада.

Хонқа туманидаги 7-умумтаълим мактабида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига 121-Хонқа сайлов округидан кўрсатилган номзод Мақсуд Қурбонбоевнинг ишончли вакили Маматсолай Нурметов ҳамда туман Кенгашига 4-Ҳамза сайлов округидан кўрсатилган номзод Расул Абдуллаевнинг сайловчилар билан учрашуви ташкил этилди. Учрашувлар давомида номзодларнинг дастурлари тўғрисидаги

фикр ва мулоҳазалар сайловчилар томонидан қўллаб-қувватланди.

Номзодларнинг дастурларида аҳоли турмуш шароитини яхшилаш, уларга сифатли тиббий хизмат кўрсатиш, бандлик ва бошқа масалаларни қонунчилик доирасида бартараф этиш устувор вазифа этиб белгилангани хусусида сўз юритилди.

Замира АБДУЛЛАЕВА,
Хоразм вилоят кенгаши матбуот котиби

Сайлов куни тобора яқинлашмоқда. Бундай пайтда, ташвиқот тадбирларининг юқори савияда, аҳолининг турли қатламларини қамраган ҳолда, сайловчиларнинг манфаатларини ўзида мужассам этган тарзда ўтказилиши ўз натижасини бериши табиий. 57-Сўғдиёна сайлов округидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига номзоди кўрсатилган Елина Компольшик жойларда бўлиб ўтаётган учрашувлари чоғида ана шу муҳим ва ҳал қилувчи жиҳатларга алоҳида эътибор қаратапти.



Кунни кеча Самарқанд шаҳридаги «Хўжасиҳат» маҳалла фуқаролар йиғинида Юқори Хўжасиҳат, Қўйи Хўжасиҳат маҳалла аҳли, ёшлари, ташкилотлар ходимлари ҳамда ОАВ вакиллари иштирокида бўлиб ўтган учрашув давомида дастлаб номзоднинг ишончли вакили томонидан унинг ҳаёти ва фаолияти тўғрисида маълумотлар берилди. Шу билан бирга, партия мақсад ва вазифаларига уйғун тарзда дастурида илгари сурилган гоғлар, янги тақлиф ва ташаббуслар борасида тўхталиб ўтилди.

Хусусан, номзод халқ таълими тизимидаги ислохотларнинг давоми сифатида умумтаълим мактабларида ижтимоий адолат ва тенглик тамойилларининг қарор топишига эришиш, синфларда ўқувчилар сонини оптималлаштириш, электрон ўқув дастурлари ва мультимедиа маҳсулотлари миқдори ва сифатини ошириш, таълим муассасаларида тиббий хизмат даражасини юксалтириш ва бу борада умумтаълим мактабларини комплекс ривожлантириш чора-тадбирлари дастурини амалга ошириш зарур, деб ҳисоблайди.

Шунингдек, номзоднинг дастурида таълим тизимини тубдан такомиллаштириш, имкониятларни кенгайтириш, ша роитлар қўламини юқори даражага кўтариш, умумтаълим мактабларини ҳақиқий билим масканларига айлантириш, ўқувчиларнинг мутолаа маданиятини ривожлантириш, ўқитувчилар ҳуқуқий мақомини янада кўтариш, уларнинг иш ҳақи ва ижтимоий мақомини оширишга қаратилган ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирларни амалга ошириш, ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда илм-фаннинг ўрнини кучайтириш, инновацион иқтисодиётга ўтиш, илм-фан ва ишлаб чиқариш ҳамкорлигини мустаҳкамлаш чораларини кўриш масалалари алоҳида қайд этилган.

Мамлакат тақдирини, келажакни ҳар жиҳатдан баркамол, билимли, салоҳиятли ёшлар қўлида эканлигини яхши англаган номзод Елена Александровна таълим муассасаларидаги фаолияти давомида ёшлар онгига ана шу қоидаларни сингдиришга, уларни жамиятдаги жараёнларга нисбатан дахлдор қилиб тарбиялашга алоҳида эътибор бериб келаётганлиги ҳам ишончли вакил томонидан таъкидлаб ўтилди.

Учрашув давомида номзод томонидан аҳолининг муурожаатлари, тақлиф ва фикр-мулоҳазалари ўрганилди. Сайловчилар томонидан билдирилган ҳар бир фикрга номзод томонидан аниқ жавоблар қайтарилди. Номзод дастурига киритилган тақлифлар аҳоли томонидан қўллаб-қувватланди.

Лола САЙИДОВА,
Самарқанд вилоят кенгаши матбуот котиби

ADOLAT - HAR BIR INSON UCHUN!

NOMZODLARIMIZGA OVOZ BERING!

Ёш депутатлар мактаби

2001 йилдан бери фаолият кўрсатаётган «Юрт истиқболи» ижтимоий ахборот маркази (нодавлат ноижорат ташкилот) Сирдарё вилояти ҳудудида аҳоли, айниқса, ёшлар ўртасида ижтимоий фойдали лойиҳаларни амалга ошириб келмоқда.

Жумладан, «Ўзбекистонда одам савдосига қарши курашиш», «Аҳоли орасида ОИТС касаллиги ўсишининг олдини олиш», ёшлар учун «Ўз имкониётларини ўзинг ярат», шунингдек, Олий Мажлис ҳузуридаги Нодавлат ноижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фондининг давлат грантлари танловида «Игитлар — соғлом ҳаёт учун», «Аёллар клуби» ва бошқа лойиҳалари билан қатнашиб, фолиб бўлган ҳамда ушбу лойиҳаларни муваффақият билан ҳаётга татиқ этган эди. Бундан ташқари,

марказ Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги (JICA)нинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси билан 6 йилдан буён самарали ҳамкорлик олиб бормоқда. Ушбу ҳамкорлик асосида мамлакатимизда қабул қилинган «Минг йиллик ривожланиш мақсадлари» дастурига кўра вилоятимизга ташриф буюрган япон волонтерлари (кўнгилчилари) марказ ходимлари билан биргаликда ижтимоий, фойдали лойиҳалар асосида ибратли ва хайрли юмушларни бажариб келишмоқда. Вилоятимиз ёшлари ўртасида 3 марта Япония маданияти кунлари ташкил этилди. Кейин-



ги йилларда марказ волонтерлари ёрдамида «Хавфсиз интернет», «Терроризм ва экстремизмга қарши кураш», «Кўнгилчиликни ривожлантириш» каби ўқув-семинарлари ҳам мунтазам равишда ўтказиб келинмоқда.

Марказ, шунингдек, Канада давлатининг молиявий кўмагида, Канада «Маҳаллий ташаббуслар фонди» (CFI) дастури доирасида қўллаб-қувватланаётган «Ёш депутатлар мактаби» лойиҳаси доирасида бир қатор тадбирларни режалаштирган. Яқинда Жиззах вилоятининг Зомин туманида жойлашган «Зомин» болалар оромгоҳида ушбу мактабнинг 6 кунлик ўқув-семинари бўлиб ўтди. Семинарда 80 нафардан зиёд ёшлар иштирок

этишди. Семинарда вилоятимизда фаолият кўрсатаётган сиёсий партиялар вилоят кенгашларининг ёшлар қанотлари фаоллари бўлган (шу жумладан, Ўзбекистон “Адолат” СДП «Ёш адолатчилар» и ҳам) талаба-ёшлар, волонтер-кўнгилчилар, туман ва шаҳар кенгашлари депутатлари, Гулистон шаҳар хотин-қизлар кўмитаси фаоллари тақлиф этилди.

Семинарнинг очилиш маросимида сўз олган вилоят «Юрт истиқболи» ижтимоий ахборот маркази раҳбари, Ўзбекистон “Адолат” СДПдан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига кўрсатилган номзод Муқаддас Маликова ҳамда «Юксалиш» умуммиллий ҳаракати вилоят

табгача таълим муассасалари учун субсидиялар ажратишда уларнинг ҳудудий жойлашишини эътиборга олиш муҳимлиги, хусусан, чекка ҳудудлар учун кўпроқ ва кенгрок миқдордаги субсидиялар ажратиш мақсадга мувофиқлиги юзасидан фикрлар билдирилди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод Шўхрат Полвонов аҳоли томонидан билдирилган ҳақиқий эътирозларга партия ва ўзининг дастурида ечим бўла оладиган тақлиф ва ташаббуслар борлиги ҳақида маълумот берди. Қизгин мулоқотларга бой ўтган тадбир давомида иштирокчилар ўзларини қизиқтирган барча саволларга жавоб олишди.

тенгликка эришиш», «Гендер стереотиплари», «Гендер зўравонлиги нима?», «Меҳнат бозорида эркеклар ва аёллар», «Аёлларнинг сиёсатдаги иштироки» каби мавзуларда сўбатлар, тақдимотлар ўтказилди. Шунингдек, машғулотлар оралиғида иштирокчиларни жамоавий ишлашга тайёрлаш, қизгин мунозарага чорлаш учун ақлий машқлар, қизиқарли ўйинлар ҳам ташкил этилди. Машғулотлар талаба-ёшларда катта қизиқиш уйғотди. Улар семинар кунлари сиёсий жараёнларга, жумладан, сайловларга бефарқ эмасликлари, янги сайланадиган депутатлар халқимизнинг эртанги кунини, келажакни ушбу хизмат қилишлари, бугунги лойиҳанинг аҳамияти ва муҳимлиги хусусида тўхталдилар.

Шундан сўнг партияларнинг ёшлар қанотлари раҳбарлари сайловларга тайёргарлик кўриш, ёшларнинг сайловларда иштироки, ўтказилаётган тадбирлар ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирилди.

Тўрт гуруҳга бўлинган иштирокчилар билан пойтахтдан ташриф буюрган Майя Мирзахинова, Жамила Сақимова, Гулнора Хожиниёзова, Соҳиба Хожихонова каби тренер машғулотларда олиб боришди. Машғулотларда «Замонавий депутат қандай бўлиши керак?», «Гендер

кўрсатдилар. Ўйламанки, келгусида бу ёшлар орасидан ўз касбининг яхши мутахассислари, лидерлар, депутатлар этилиб чиқади ҳамда улар эл-юрт келажакига хизмат қиладилар, — деди Майя Мирзахинова.

— Вилоят «Юрт истиқболи» ижтимоий ахборот маркази томонидан ташкил этилган ушбу семинарда малакали мутахассис-тренерлар томонидан ўтказилган «Замонавий депутат», «Гендер тушунчасини тушуниш» ва «Гендер тенгликка эришиш йўллари» каби мавзулардаги машғулотлар барча тенгдошларимизга манзур бўлди, — дейди Гулистон давлат университети санъатшунослик факультети талабаси Ўткир Мирзаев. — Айниқса, тадбирнинг сайловлар арафасида ташкил этилганлиги биз каби ёш сайловчилар учун катта мажорат мактаби ўрнини ўтади. Машғулотларда мен ҳам долзарб мавзулар бўйича ўз фикрларимни билдиридим. Вилоятимиз ёшлари учун ташкил этилаётган бу каби тадбирлар тенгдошларимизнинг интеллектуал салоҳиятини оширишда, ўзи танлаган касбни чуқур эгаллашиш ҳамда ҳаётда ўз ўринларини топишларида мустаҳкам пойдевор бўлади.

Холида ПАРДАБОВЕВА,
журналист



Ўзбекистон Республикаси Конституцияси Ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ўн биринчи сессиясида 1992 йил 8 декабрда қабул қилинган. Ҳар бир фуқаро Конституцияни яхши билиши, унга қатъий риоя этиши лозим. Бироқ мазкур муҳим ҳужжатнинг тайёрланиши ва қабул қилиниши жараёнларидан ҳаммамиз ҳам хабардор эмасмиз.

Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги — ЎЗА мухбирининг **Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган юрист Алишер МАРДИЕВ билан суҳбати** Бош қомусимизнинг ишлаб

чиқилиши ва қабул қилиниши жараёнлари, ўтган йиллар давомида Конституцияга киритилган ўзгариш ва қўшимчалар ҳақида бўлди.

КОНСТИТУЦИЯ — фуқароларнинг муносиб ҳаёт кечирish кафолати

— **Алишер Мардиевич, Конституцияга “Бош қомус”, “Асосий қонун” деган таърифлар берилди. Сиз юрист сифатида бундан қандай изоҳлайсиз?**

— Конституция ҳақиқатан ҳам давлат ва жамиятимизнинг асосий қонундир. Конституцияда халқимиз қандай давлат қуриши, халқ билан давлат ўртасидаги муносабатлар, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Президент, Вазирлар Маҳкамаси, Олий Суд ва уларнинг ваколатлари белгиланган.

Конституциянинг 1-моддасида “Ўзбекистон — суверен демократик республика” деб ёзилган. Бу — қонун чиқарувчи, ижро ва суд органларининг ҳар бири мустақил иш қилишига, бир-бирини назорат қилиб бориш принциплари асосланган, деганидир. Конституцияда фуқароларнинг сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчлари белгиланган. Шунингдек, давлат ва жамиятимизга тааллуқли бошқа асосий масалалар ҳам Конституциядан ўрин олган.

Ушбу ҳужжат халқ муҳофазасидан ўтиб, сўнг қабул қилинди. Шу сабабли ҳар бир фуқаро Конституцияни яхши билиши, унга риоя қилиши, ундаги ҳуқуқ ва бурчларини тўлиқ англаб, амалга ошириши лозим.

Конституция ҳаётимизнинг асосий йўналишларини белгилаб беради. Шу сабабли қабул қилинадиган бошқа қонунлар, қонун-ости актлари ва бошқа ҳар қандай норматив ҳужжатлар Конституцияга мос бўлиши лозим. Мана шунинг учун ҳам Конституция “Асосий қонун” дейилади.

— **Дунёда ўз Конституциясига эга бўлмаган давлатлар ҳам бор. Нима деб ўйлайсиз, давлат суверенитети учун Конституцияга эга бўлиш қанчалик аҳамиятли?**

— Дунё давлатчилиги ва унинг тарихида “демократик давлат” ёки “мулқ марказлашган давлат”лар бўлган ва ҳозир ҳам мавжуд. Ҳақиқий демократик давлат қонунлар асосида қурилади. Демократик давлатнинг ўз Конституцияси, ҳар соҳада ўз қонунлари яратилиши ва қабул қилиниши, асосийси бу қонунлар ҳаётида ишлаши, яъни ҳамма унга бўйсунуши ва белгиланган қоидаларни бажариши лозим. Бир сўз билан айтганда, давлат суверен ва демократик бўлиши учун ўз Конституцияси ва қонунлари олий орган — парламенти томонидан қабул қилиниши ва ҳаётга татбиқ этилиши шарт.

Бизнинг Конституциямиз халқаро ҳуқуқ нормаларини ҳам, миллий давлатчилигимиз тажрибаси ва халқимизнинг ўзига хос жиҳатларини ҳам ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилгани билан мукаммал Бош қонун, деб ҳисоблайман.

— **Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ишлаб чиқилишида фаол иштирок этганингиз, хорижий давлатлар конституцияларини ўрганганингиз ҳақида эшитганимиз. Ўша жараёнларни ёдга олсак...**

— Ҳақиқатан ҳам Ўзбекистон Республикаси Конституциясини яратишда жуда кўп изланишлар бўлди. Биласиз, собиқ совет иттифоқи қонунлар билан эмас, коммунистик партия ва унинг қабул қилган қарорлари билан бошқарилар эди. Шу сабабли қонунлар яратишда тажрибамиз камроқ эди. Шундай бўлса-да, Конституция ва қонунларни ишлаб чиқишда кўп изландик, ҳар бир жиҳат ҳисобга олинди. Қонун аввало шу давлатнинг, халқнинг анъана ва қадриятлари, ўзига хос турмуш тарзидан келиб чиқishi, уни ҳимоя қилиши лозимлигини англаган ҳолда ўз тарихимизни, давлатчилигимизни, Соҳибқирон Амир Темур давлатчилигини, унинг «тузук»ларини ўргандик. Қолаверса, чет эл конституциялари, халқаро ҳуқуқ нормалари ўрганилди. Бу жараёнда жуда кўп олимлар, ҳуқуқшуносларимиз ишлади. Айниқса, устоз домламин, юридик фанлар доктори, академик Шавкат Уразаев бу борада жуда катта хизмат қилди. Биринчи Президентимиз Ислам Каримов жараёни шахсан назорат қилиб, ҳар бир бобни ўрганганини, моддаларга қўшимча ва ўзгаришлар киритганини яхши эсламан...

— **Ўзгариш ва қўшимчалар киритилмаган Конституция — мукаммал Конституция деган гапни эшитганимиз. Сиз бу фикрга қўшиласизми?**

— Ўзгариш ва қўшимчалар киритилмаган Конституция мукаммал бўлади, деган фикрга қўшилмайман. Негаки, давр тақозоси, жамиятнинг ўзгариши ва бошқа сабабларга кўра қонунлар ҳам мукаммаллашиб боради. Қолаверса, Конституция ва қонунлар халқнинг хоҳиш-иродасини ифода этиши лозим. Худди шундай давлат ва жамият ҳаётидаги ўзгаришлардан келиб чиқиб, Конституцияга ҳам маълум ўзгариш ва қўшимчалар киритилиши табиий ҳол, деб қабул қилиш керак. Масалан, Конституциямиз қабул қилинганда Олий Мажлис бир палатадан иборат эди. Кейинчалик, яъни 2003 йилда қабул қилинган Конституциявий қонун билан Олий Мажлис икки палатали бўлди ва бу Конституциямизда ҳам қайд этилди. Қабул қилинадиган қонунларнинг парламент икки палатасида муҳофизат қилиниши эса ўзининг ижобий натижасини бермоқда.

— **Конституцияни қабул қилишда қайси моддалар ёки бўлимлар бўйича кизгин бахс-мунозаралар бўлган эди?**

— Қонун лойиҳасини яратиш жиддий масала. Унинг норма ва моддаларини ишлаб чиқиш эса ўта мураккаб жараён. Шу сабабли Конституциямизнинг ҳар бир моддаси бўйича кизгин бахс-мунозаралар бўлган ёдимда. Ай-

«Ўзбекистон Республикасида Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларининг устунлиги сўзсиз тан олинади. Давлат, унинг органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмалари, фуқаролар Конституция ва қонунларга мувофиқ иш кўрадилар».

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, 15-модда.

ниқса, суд ҳокимияти тўғрисидаги бобда судьялар қандай тартибда сайланиши ёки тайинланиши, яъни судьялар мустақиллигини таъминлаш масаласи бўйича бахс-мунозаралар бўлган. Ва барча жиҳатлар ҳисобга олинди, Олий суд раиси ва ўринбосарлари ҳамда вилоят, туман, шаҳар судлари судьяларини тасдиқлаш ва тайинлаш тартиби белгиланган эди.

— **Ўзгариш ва қўшимчалар киритилмаган Конституция — мукаммал Конституция деган гапни эшитганимиз. Сиз бу фикрга қўшиласизми?**

— Ўзгариш ва қўшимчалар киритилмаган Конституция мукаммал бўлади, деган фикрга қўшилмайман. Негаки, давр тақозоси, жамиятнинг ўзгариши ва бошқа сабабларга кўра қонунлар ҳам мукаммаллашиб боради. Қолаверса, Конституция ва қонунлар халқнинг хоҳиш-иродасини ифода этиши лозим. Худди шундай давлат ва жамият ҳаётидаги ўзгаришлардан келиб чиқиб, Конституцияга ҳам маълум ўзгариш ва қўшимчалар киритилиши табиий ҳол, деб қабул қилиш керак. Масалан, Конституциямиз қабул қилинганда Олий Мажлис бир палатадан иборат эди. Кейинчалик, яъни 2003 йилда қабул қилинган Конституциявий қонун билан Олий Мажлис икки палатали бўлди ва бу Конституциямизда ҳам қайд этилди. Қабул қилинадиган қонунларнинг парламент икки палатасида муҳофизат қилиниши эса ўзининг ижобий натижасини бермоқда.

— **Давлат сиёсати ва тузumi Конституцияга мос бўлиши керакми ёки Конституция давлат сиёсатига мослашиши керакми?**

— Конституция яратилиши ва қабул қилинишида кўп масалалар, жумладан, давлат тузumi қанақа бўлиши, давлат органлари, сиёсий ташкилотлар қандай фаолият олиб бориши ва бошқа масалалар ҳисобга олинади. Бу борада давлат ва қонун билан ҳар бир масалада — у давлат сиёсати билан боғлиқми, фуқаролар манфаатини ёки бошқа масалаларга оидми, ҳаммасида Конституцияга таянишимиз керак. Шу ўринда бир фикрни алоҳида таъкидлашни истардим, кейинги йилларда фуқароларнинг Конституцияда белгиланган ҳуқуқ ва мажбуриятларига риоя қилиши кучаймоқда. Президентимиз Шавкат Мирзиёев бу масалага алоҳида эътибор қаратмоқда. Айниқса, жойларда Президент халқ қабулхоналарининг ташкил этилгани, раҳбарларнинг жойларга чиқиб фуқароларни қабул қилаётгани ва аҳолининг

қонунчилик палатаси ва Сенатдан иборат бўлиши билан боғлиқ бўлди. Юқорида айтганимдек, бу ҳақда конституциявий қонун қабул қилинди. Бундан ташқари, Конституциянинг Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тааллуқли 98-моддасига, Ўзбекистон Олий суди ва Ўзбекистон Конституциявий судига тегишли моддаларга ҳам ўзгариш ва қўшимчалар киритилди.

Албатта, Конституциямиздаги Парламент, Вазирлар Маҳкамаси, суд тизими оид ўзгаришлар ҳаётда ўз ижобий натижасини бермоқда. Жамиятнинг демократик йўлдан боришини, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатларини таъминламоқда.

— **Ўзбекистон Республикасининг ҳар бир фуқароси Конституцияни, демакки ўз ҳақ-ҳуқуқлари, бурч ва мажбуриятларини яхши билиши лозим. Хорижий давлатларда бўлгандай айрим мамлакатлар фуқаролари ўз конституцияларини ёнда олиб юрганини кузатганман. Улар ҳар бир хатти-ҳаракатида, аввало, Конституцияга таянади.**

Бизда ҳам кейинги йилларда халқимизнинг ҳуқуқий саводхонлиги ошим бормоқда. Айниқса, Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг бу масалага жиддий эътибор қаратаётганилиги, очик сират олиб бораётганилиги, ҳар бир фуқаронинг шахсий ҳуқуқ ва эркинликлари таъминланаётганилиги, айниқса, аҳолининг ҳуқуқий саводхонлигини оширишга қаратилган норматив ҳужжатлар қабул қилиниб, бу борада амалий ишлар олиб бораётгани кувонарли.

Шуни унутмаслигимиз керакки, қонун устувор демократик давлатда яшар эканмиз, ҳар бир фуқаро, аввало, Конституцияни ва ўзига тааллуқли қонунларни яхши билиши, уларга қатъий амал қилиши лозим.

Мурожаатлари билан ишлаш тизимининг такомиллашгани, суд тизимининг маълум даражада ислоҳ қилиниб, халққа яқинлашгани, фуқароларга амалда сўз эркинлиги берилганлиги, матбуотда бемалол чиқиш учун имконият яратилгани ва бошқа омилилар фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқларига риоя этилишида жуда катта ижобий роль ўйнамоқда. Қабул қилинаётган ҳар бир қонун, давлатимиз раҳбарининг фармон ва қарорларида ҳам, аввало, инсон ҳуқуқларига риоя этишга алоҳида ўрин берилмоқда.

— **Конституциямизни ўрганиш, халқимизнинг ҳуқуқий саводхонлигидан қўнқиниқ тўламлиги? Бу борада нималарга эътибор қаратиш зарур, деб ҳисоблайсиз?**

— Ўзбекистон Республикасининг ҳар бир фуқароси Конституцияни, демакки ўз ҳақ-ҳуқуқлари, бурч ва мажбуриятларини яхши билиши лозим. Хорижий давлатларда бўлгандай айрим мамлакатлар фуқаролари ўз конституцияларини ёнда олиб юрганини кузатганман. Улар ҳар бир хатти-ҳаракатида, аввало, Конституцияга таянади.

Бизда ҳам кейинги йилларда халқимизнинг ҳуқуқий саводхонлиги ошим бормоқда. Айниқса, Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг бу масалага жиддий эътибор қаратаётганилиги, очик сират олиб бораётганилиги, ҳар бир фуқаронинг шахсий ҳуқуқ ва эркинликлари таъминланаётганилиги, айниқса, аҳолининг ҳуқуқий саводхонлигини оширишга қаратилган норматив ҳужжатлар қабул қилиниб, бу борада амалий ишлар олиб бораётгани кувонарли.

Шуни унутмаслигимиз керакки, қонун устувор демократик давлатда яшар эканмиз, ҳар бир фуқаро, аввало, Конституцияни ва ўзига тааллуқли қонунларни яхши билиши, уларга қатъий амал қилиши лозим.

ЎЗА мухбири Гюли ҲАСАНОВ суҳбатлашди

ХАБАРЛАР

Афғонистонлик ёшлар таҳсил олиш учун Ўзбекистонга келди

Ўзбекистонга олий маълумот олиш ва малакали мутахассис бўлиш истагида ташриф буюрган 147 нафар афғонистонлик ёшлардан иборат делегация 2019 йил 25 ноябрь кунини “Ҳайратон” чегара поstda тантанали кутиб олинди.



“Афғонистон Ислам Республикаси фуқаролари Президент Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан ташкил этилган Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Афғон фуқароларини ўқитишга мўлжалланган таълим марказида таҳсил олишади. Афғонистонлик ёшлардан 119 нафари ўзбек тили ва адабиёти, 18 нафари ақшурлик ва ҳамшира иши ҳамда 10 нафари ер усти транспорт тизимлари ва эксплуатация, локомотив ва вагонлар иши таълим йўналишларида ўқишади. Талабаларга машғулотлар олиб бориш учун Алишер Навоий номидagi Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети, Тошкент темир йўл муҳандислари институти ҳамда Тошкент тиббиёт академиясидан профессор-ўқитувчилар жалб этилган.

Делегация халқаро конференцияда иштирок этди

Яқинда Брюсселда “ЕИ — Марказий Осиё: таълим орқали барқарор ривожланиш” мавзусида таълим масалаларига бағишланган халқаро конференция бўлиб ўтди.



Ушбу халқаро конференцияда олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ўринбосари У. Бегимкулов бошчилигида олий таълим муассасалари ректорлари, проректорларидан иборат делегация иштирок этди. Халқаро конференцияда ЕИ ва Марказий Осиё давлатларининг таълим масалалари бўйича мутахассислар қатнашиб, таълим сифатини ошириш, малакали кадрлар тайёрлаш бўйича долзарб масалалар муҳофизат қилинди. Бугунги кунда Ўзбекистон ЕИ давлатлари билан олий таълим соҳасида Erasmus+ дастури ва Марказий Осиё таълим платформаси каби лойиҳалар доирасида ҳамкорлик қилиб келмоқда.

Тадбир давомида вазирлик делегацияси Европа Иттифоқи давлатларининг нуфузли университетлар вакиллари билан учрашувлар ўтказиб, ўзаро манфаатли ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиш юзасидан музокаралар ўтказдилар.

Ректор ангреник педагоглар билан учрашди

Маълумки, Чирчиқ давлат педагогика институти Тошкент вилояти мактабга, мактаб ва мактабдан ташқари таълим муассасаларидаги педагогларга бўлган эҳтижни қондириш, туманлар ва қишлоқ жойларидаги таълим муассасаларини юқори малакали педагог кадрлар билан таъминлаш мақсадида ташкил қилинган.



Шу мақсадда Чирчиқ ДПИ жамоаси Тошкент вилоятидаги таълим муассасаларида мавжуд эҳтижларни ўрганиш, таълимда узвийлик ва узлуксизлиқни таъминлаш ҳамда соҳада мавжуд муаммоларни аниқлаш мақсадида туман ва шаҳарларга хизмат сафарлари уюштирмоқда. 2019 йил 27 ноябрь кунини институт ректори Фоғуржон Мухамедов Ангрэн шаҳрига ташриф буюриб, шаҳардаги барча умумтаълим мактабларининг ўқув ишлари бўйича директор ўринбосарлари ҳамда педагог-ҳодимлар билан учрашди. Учрашувда ректор ўқитувчилар билан таълим жараёнидаги долзарб масалалар бўйича суҳбатлашди. Хусусан, педагогларнинг ўз устида мустақил ишлаши, илгор педтехнологияларни дарс жараёнларида қўллаши ҳамда ўқувчилар билан ишлашда юзага келмаётган вазиятлар ҳусусида фикр алмашилди. Шунингдек, шаҳардаги 15-, 17-сонли мактабларнинг битирувчи синф ўқувчилари институтидаги мавжуд факультетлар, ўқув жараёнларининг олиб борилиши, халқаро ҳамкорлик алоқалари ҳамда илмий-тадқиқот фаолиятлари билан танишишди.

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги матбуот хизмати

Бош прокуратура хабарлари

Нафс бандалари қўлга тушди

Бош прокуратура ҳузуридаги Департаментнинг Ўрта Чирчиқ туман бўлими томонидан ўтказилган терговга қадар текширувда, тумандаги 42-сонли мактабда капитал таъмирлаш ишларини амалга оширган “Х” МЧЖ мансабдор шахслари ва бошқалар ноқонуний даромад

ортириш мақсадида 241,9 миллион сўмлик таъмирлаш ишларини амалда бажармасдан, ҳужжатларга сохта маълумотлар киритиб, бюджет маблағларини ўзлаштириш йўли билан талон-торож қилганликлари аниқланган.

Мазкур ҳолат юзасидан “Х” МЧЖ мансабдор шахслари ва бошқаларга нисбатан Жиноят кодексининг тегишли моддалари билан жиноят иши қўзғатилиб, тергов ҳаракатлари ўтказилмоқда.

Ўқувчиларнинг ҳақи... “тешиб чиқди”

Бош прокуратура ҳузуридаги Департаментнинг Тошкент вилояти, Бўқа тумани бўлими томонидан ўтказилган терговга қадар текширувда, туман халқ таълими бўлими бош ҳисобчиси Ж.М. ва бошқалар Ўзбекистон Республикасининг “Давлат харидлари тўғрисида”ги қонуни талабларига зид равишда ҳақиқий баҳоси 3,3 миллион сўм бўлган

компьютер тўпламларининг ҳужжатларини сохташтираган ҳолда қиммат нархларда ҳисоблаб, жами 375 та компьютер тўпламларини харид қилишиб, 623,7 миллион сўм бюджет маблағларини растрата қилиш йўли билан талон-торож қилганликлари аниқланган. Мазкур ҳолат юзасидан Ж.М. ва бошқаларга нисбатан Жиноят кодексининг тегишли моддалари билан жиноят иши қўзғатилиб, тергов ҳаракатлари ўтказилмоқда.

Фирибгар қўлга тушди

Бош прокуратура ҳузуридаги Департаментнинг Андижон вилояти бошқармаси томонидан ўтказилган тезкор тадбирда, фуқаро М.А. фуқаро Н.С.га юқори лавозимда ишловчи танишлари орқали туман худудидан мебель ишлаб чиқариш ва иссиқхона қуриш учун 2 га. ер ажратиб беришга қўмаклашиш зва-

зига 16 500 АҚШ доллари талаб қилиб, шундан, 6 000 АҚШ доллари фирибгарлик йўли билан олган вақтида ушланган.

Мазкур ҳолат юзасидан М.А.га нисбатан Жиноят кодексининг тегишли моддалари билан жиноят иши қўзғатилиб, тергов ҳаракатлари ўтказилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Жамоатчилик билан алоқалар ва ҳуқуқий ахборот бўлими

**“ADOLAT” SDP NOMZODLARIGA
OVOZ BERING!**

**ADOLAT
YO'LIDA
BIRLASHAYLIK!**

www.adolat.uz @adolat_uz

МУНОСАБАТ

Ўқитувчилик — инсонни маънан юксалтирадиган ва қалбда фахр уйғотадиган касб. Касб деб айтганда аслида бу шунчаки касб эмас, инсонга Яратган томонидан берилган истеъдод, иқтидор десак, тўғри бўлади. Негаки, ҳамма ҳам болаларга юксак даражада таълим ва тарбия бериш қobiliятига эга бўлавермайди. Баъзилар ўз фарзандларига ҳаётда тўғри йўл кўрсата олмай қийналадилар. Ўқитувчилар эса фаолияти давомида бир неча минглаб болаларнинг онгу тафаккурини билимлар билан бойитади, уларга ҳаёт сабоқларини беради.

**Фахрли касбга
муносиб бўлайлик**

Бундай улғувор ишларни амалга ошириш учун муаллимнинг қўлидаги «Ўқитувчи» деган ҳужжатдан ташқари унда илмий тафаккур, болалар қалбига йўл топишдек юксак иқтидор, қobiliят, Ватанга фидойилик, халққа меҳр-муҳаббат каби беназир туйғулар, хусусиятлар ҳам бўлиши керак. Ана шундагина у ҳақиқий маънода ўқитувчи, устоз деган юксак номга сазовор бўлади. Бугун юртимизда ўқитувчилар орасида бу номни улғулаётган устозлар борлиги, улар сафи кўпайиб бораётганлиги кўпчилик қатори мени ҳам қувонтиради.

Сир эмас, мустиқилликнинг дастлабки йилларида халқ таълими тизимига ҳам эътибор қаратилиб қатор ислохотлар, янги лойиҳалар амалга оширилган эди. Лекин бу эътибор ва ислохотлар мамлакатимиздаги барча мактабларга бирдек етиб бормади. Талаб ва назоратнинг сустлиги учунми ёки бошқа сабабларга кўра, чекка ҳудудлардаги мактаблар ҳолати ва фаолияти аввалгича қолверди.

Меъморий жиҳатдан талабга жавоб бермайдиган мактабларда таълим эмас, фақат тарбия берилган пайтлар ҳам бўлди. Мактаблардаги маънавий-маърифий муҳит, ўқитувчи касбининг обрўи пайсабид кетган даврларни ҳам кўрдик. Баъзи ўқитувчиларнинг маблағ камлиги сабабли ўз касбини ўзгартириб, бошқа соҳаларга ўтиб кетганига ҳам гувоҳ бўлдик. Аммо ҳақиқий муаллимлар, устозлар ҳар қандай шароитда ҳам бу соҳадан воз кечмадилар. Бу соҳада фидойилик кўрсатдилар.

Эндиликда, айниқса, кейинги уч йил ичида халқ таълими тизимига бўлган муносабат ҳам, эътибор ҳам тубдан ўзгарди. Мамлакатимиз Президентининг халқ таълими тизимини ривожлантириш, педагогларнинг малакаси ва жамиятдаги нуфузини ошириш, ёш авлодга таълим-тарбия бериши кучайтириш, улар маъна-



вийатини юксалтириш билан боғлиқ 6 та фармони ва қарори қабул қилинди. Мактаблар учун янги бинолар қурилди, коллежларнинг янги иншоотларидан фойдаланиш имкони яратилди. Ўқитувчиларнинг, устозларнинг ойликлари аввалги маошларига нисбатан 3-4 бараварга оширилди. Муаллимлар таълим-тарбия жараёнидан бошқа ишларга жалб қилинмайдиган бўлди. Айни пайтда ана шу ишларнинг ҳаётда амалга оширилиши учун Вазирлар Маҳкамасининг 21 та қарори эълон қилинди.

Мактаблар фаолиятини янада яхшилаш, ўқитувчилар учун кенг имкониятлар яратиш ишлари бугун ҳам давом эттирилмоқда. Бир эсланг, шу

йилнинг 23 августда Президентимиз раислигида халқ таълими тизимини ривожлантириш, мактаблар фаолиятини юксалтириш, ўқитувчилар ва ёшларга эътиборни кучайтириш масалаларига бағишланган видео-конференцияда унда давлатимиз раҳбари «Мактаб — бу ҳаёт-мамонт масаласи, келажак масаласи. Уни давлат, ҳукумат ва ҳокимларнинг ўзи ҳал қилолмайди. Бу бутун жамиятнинг иши, бурчига айланган иш» дея таъкидлаган эди. Ёки Президентимизнинг шу йил 29 апрелдаги фармони билан халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси тасдиқлангани ва унда таълим тизимида 48 та мақсадли кўрсаткичга эришиш

бўйича аниқ механизмлар ишлаб чиқилгани бу соҳага яна бир алоҳида эътиборнинг намунаси.

Яна бир гап. Мамлакатимизда бу йил ўтадиган сайловлар муносабати билан «Адолат» партиясининг Сайлов-олди дастурида ҳам, депутатликка номзодларнинг режаларида ҳам халқ таълими соҳасини янада ривожлантириш масалаларига алоҳида ўрин берилган. Бу ҳам ўқитувчи сифатида нафақат мени, ҳар қандай одамни қувонтиради, фахрлантиради.

Кеча матбуотда Президентимизнинг «Замонавий мактаб» ларни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисидаги қарори эълон қилиниши соҳага амалий эътиборнинг яна бир кўри-ниши бўлди. Қарорда мамлакатнинг табиий иқлим шароитларига мос, экологик тоза материаллар ва энергиялар ва муҳандислик ечимларини қўллашни назарда тутувчи «Замонавий мактаб» ларни қуриш ва реконструкция қилиш, умумий ўрта таълим муассасаларини замонавий мебель ва жиҳозлар, ўқув-лаборатория асбоб-ускуналари, ўқув-услубий материаллар, компьютер ва мультимедиа ҳамда видеокузатув воситалари билан жиҳозлаш, «Замонавий мактаб» ларнинг дарсликлар, ўқув қўлланмалар, бадий ва бошқа адабиётлар билан таъминланганлик даражасига, ўқув-тарбия жараёнига ҳамда дардан ташқари фаолиятига, раҳбар ва педагог кадрларга қўйиладиган талабларни янгилаш каби қатор устувор вазифалар қўйилган. Бу вазифаларни амалга оширишга 2020 йилнинг баҳоридан ишга киришиш белгиланган. Шундай экан, халқ таълими тизимида «Замонавий мактаб» лар илм-фан, таълим, тарбия жараёнида бутунлай янги, замонавий йўналишларни яратиб бериши шубҳасиз. Бунда педагог кадрларга бўлган талабнинг кучайиши соҳани тубдан ислоҳ қилишга имкониятлар очиб беради.

Умуман, халқ таълими тизимига, ўқитувчилар, устозлар фаолиятига жиддий эътибор қаратилаётганлиги бежиз эмас. Зеро, мамлакатнинг эртанги тақдири, илм-фаннинг юртимизда келгуси тараққиёти таълим соҳасида қилинаётган яши ишлар билан белгиланади. Шунинг учун бу соҳада мамлакатимизда улғувор ишлар амалга оширилмоқда. Демак, ана шу эътиборларга ўқитувчиларимиз, устозларимиз ҳам муносиб жавоб беришлари керак. Шу юртга, халққа, миллатга фидойиликларини намоён этишлари зарур.

Шахло Жўраева,
Муборак туманидаги
24-умумтаълим мактаби ўқитувчиси

ТАДБИР

Инсон саломатлиги ҳамма нарсадан азиз. Одам ўзининг ёки яқинларининг саломатлиги хавф остида қолганда, албатта, шошилиш тез тиббий ёрдам марказига мурожаат қилади. У етиб келгунгача бўлган ҳар бир дақиқа қўйиматини ҳеч нарса билан ўлчаб бўлмайди. Чунки йўқотилган ҳар бир дақиқа инсон ҳаётини хавф остига қўйиши мумкин. Мамлакатимизда аҳолига замонавий тиббий ёрдам кўрсатиш бўйича шаклланди ўзига хос тузилмалардан бири, шубҳасиз, «тез ёрдам» тизимидир.

**Мақсадимиз —
халқни рози қилиш**

Ҳўш, аҳолига шошилиш тез тиббий ёрдам кўрсатишнинг бугунги аҳоли, ютуқ ва муаммолари нима-лардан иборат? Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида Соғлиқни сақлаш вазирлиги ташаббуси билан ўтказилган анжуман шу мавзуга бағишланди ва унда тегишли вазирлик, соҳа вакиллари ва оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

— Кейинги 3 йилда тиббиётнинг бошқа йўналишлари қатори ушбу соҳани ривожлантириш бўйича ҳам қатор фармон ва қарорлар асосида мазкур тизимнинг ҳуқуқий асослари такомиллаштирилди ҳамда моддий-техник базаси янгиланмоқда. Соғлиқни сақлаш тизимида тубдан ислохотлар олиб бориш учун 2018 йилда 9 триллион сўм ажратилган бўлса, 2019 йилда 12 триллион сўм маблағ ажратилганлигини ўзи давлатимизнинг соҳани ривожлантиришга қаратаётган эътиборининг яққол исботидир, — деди Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирлиги ўринбосари, Республика шошилиш тез тиббий ёрдам илмий маркази бош директори Абдуҳаким Хаджибаев журналистлар учун берган маълумотномасида.

— Жумладан, шошилиш тез тиббий ёрдам тизимида диагностика ва даволаш ишлари жаҳон тиббиёти билан ҳамқадам ривожланмоқда десак, муболага қилмаган бўлаемиз. Шунингдек, шошилиш тез тиббий ёрдам шифохоналарида суяк синиши ва жароҳатларида янги жароҳат амалиётлари, эндотропезлаш амалиётлари, асаб ва юрак қон-томир тизими, ошқозон-ичак касалликларида юқорби технологиялар асосида даволаш тадбирлари ўз самарасини бераёпти. Шунингдек, таъкидлаш жоизки, тиббиётимизга трансплантация амалиётини кириб келиши натижасида РШТЕИМда трансплантология бўлими ташкил этилиб, ҳозирги кунгача фақат мазкур бўлимининг ўзида 80 дан ортиқ беморларга яқин қариндошлари буйғайи кўчириб ўтказилишига ва унинг ижобий самара беришига эришилди. Шу билан бирга, бугунги кунда аҳолига хизмат сифатини яхшилаш мақсадида тизимда икки ярим мингга яқин турли русумдаги замонавий тез ёрдам машиналари хизмат кўрсатмоқда. Айни пайтда тез ёрдам автопаркни замонавийлаш-

тириш ишлари давом этмоқда. 2021 йилгача «Дамас» автомашиналаридан тўлиқ воз кечилиб, халқаро андозлар даражасида жиҳозланган замонавий тез ёрдам машиналарига ўтилиши билан аҳолига тез тиббий ёрдам кўрсатиш тизими янада яхшиланади.

Тадбирда соҳада олиб борилган ислохотлар натижасида аҳолининг тез тиббий ёрдам тизимига ишончи ортаётганлиги, бунинг 2016 йилда чақириқлар сони 7,2 миллионни, 2017 йилда 8,7 миллионни, 2018 йилда 9,8 миллионни ташкил этган бўлса, бу кўрсаткич мазкур йилнинг 10 ойида 9 миллиондан ошганлиги ҳам кўриш мумкинлиги алоҳида таъкидланди. Шу билан бирга, 2017-2019 йилларда шошилиш тез тиббий ёрдам хизматининг стационар муассасаларига 7,5 миллиондан зиёд бемор мурожаат қилган бўлса, шулардан 2,5 миллион нафари стационар, 5 миллиондан ортиги амбулатор тиббий ёрдам олишган. Шу билан бирга, стационарда даволанган беморларнинг 500 мингдан ортиғида юқори сифатли технологик жарроҳлик амалиётлари бажарилган.

Анжуманда соҳада қўлга киритилган ютуқлар билан бирга камчиликлар ҳам борлиги, ечимини кутаётган муаммоларнинг мавжудлиги ҳам айтиб ўтилди. Тадбирда иштирок этган журналистларни қизиқтирган саволларга мутасаддилар жавоб берди.

Тадбир иштирокчилари томонидан баъзида беморнинг яқинлари шифохоналарга тажовуз ва таҳдид қилиш ҳолатлари учраётганлиги, бунга маълум маънода баъзи шифохоналарнинг укүвсизлиги, кўполийи ва маъсбулийи сизиликлари ҳам сабаб бўлаётганлиги айтилди. Мутасаддилар бундай ҳолатларни инкор этмаган ҳолда, беморлар ўз нозрозилигини, ҳақ-ҳуқуқларини қонун йўли билан талаб қилишлари лозимлигини таъкидлади ва айни пайтда тиббиёт ходимларининг малакасини, муомала маданиятини, билим савиясини ошириш мақсадида жориблик мутахассислар иштирокида «маҳорат дарслари» ўтказилаётганлигини, тиббий хизматни халқаро талаблар даражасида яхшилаб, халқни рози қилиш — соҳа ходимларининг асосий мақсади эканлигини алоҳида эътироф этишди.

Саодат РАҲИМОВА,
«Adolat» мухбири

101-ОГОҲЛАНТИРАДИ

Транспорт воситалари билан боғлиқ ёнгинларнинг сабабларини таҳлил қиладиган бўлсак, улар асосан электр симлари эскиргани ёки вақтида таъмирланмаганлиги туфайли содир бўлаётганлигига гувоҳ бўламиз. Нечакки, биз аксарият ҳолларида транспорт воситасининг электр симларини бутунлай эскириб, яроқсиз ҳолга келгунча ишлатамиз, таъмирлашга келганда, ўзимизча иш қиламиз.

Тилсиз ёвдан эҳтиёт бўлинг!

Устага сарфланадиган озгина пулни тежаймиз деб, катта харажатга замин ҳозирлаймиз. Узимизча пулимизни тежайгимиз, деймизу аслида беларволик қилиб, бир неча баробар кўп пул сарфлаганимизни билмай қоламиз. Масалан, кўпчилик ҳолларда ҳайдовчиларимиз автомобиль карбораторидан, унга уланган резиналардан бензин оқаётганлигига эътибор қилишмайди. Эътибор қилган тақдирда ҳам бензин оқаётган жойини қўлбола усулда сим билан боғлаб қўядилар. Аризмагандек бўлиб кўринган бу ҳолат юқорида эслатганимиздек, катта фалокатларни келтириб чиқаради. Ана шу кичкинагина носозликни таъмирлаш учун маблағни аяган ҳайдовчи ёнгин содир бўлгач, пулни бир неча ўн баровар сарфлайди. Келинг, шу жойда яхшилаб ўйлаб кўрайлик, қай бири фойдали? Носозликни мутахассис ёрдамида дарҳол бартараф этиши ёки унинг асоратларидан азият чекиши? Албатта, носозликнинг вақтида олдини олган афзал. Ахир халқимиз «касаликни даволашдан кўра унинг олдини олган афзал», деб бежиз айтмаган-ку!

Айтмоқчи бўлганимиз, нохуш ҳодисаларнинг олдини олай десангиз, автоуловингизнинг электр қисмлари ишлаш жараёнини мунтазам назорат қилишдан эринманг, шунда сиз тасодифан содир бўладиган тилсиз ёв «хужум»ининг олдини олган бўласиз.

Абдуваҳоб ЮНУСОВ,
Бектемир тумани ЁХБ кичик инспектори

МУАССИС:

Бош муҳаррир: Ислоҳ ҚАМРОЕВ

Таҳрир хайъати:
Наримон УМАРОВ
Муҳаммад АЛИ
Тавҳар АЛИМОВА
Муҳаррам ДАДАХОДЖАЕВА
Қодир Жўраев

Тошкўлат МАТИБАЕВ
Талъат МУРОДОВ
Абдукамол РАҲМОНОВ
Собир ТУРСУНОВ
Алишер ШОДМОНОВ
Шухрат ЯКУБОВ

Бўлимлар:

Партия турмуши ва парламент фаолияти бўлими — 71 288-46-54 (149); Котибят — 71 288-42-14 (144); Ахборот, ҳуқуқ ва ҳатлар бўлими — 71 288-42-12 (132); Қўбухона — 71 288-42-12 (141) факс; Реклама бўлими — 71 288-42-14 (132); 90 900-72-15

Навбатчи муҳаррир — Камол Матқубов
Навбатчи — Фурқат Тожиёв

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 0018 рақами билан 2006 йил 6 декабрда рўйхатга олинган. Қоғоз Ёнимини А-2. Ҳажми — 4 босма тобик. Объект устулага босилган. Бурғилма Г — 1100.

1995 йил 22 февралдан чиқа бошлаган
Таҳрират маъилли: 100043, Тошкент шаҳри,
Чиланзор тумани «Шарк» тоғида кўчаси, 22-уй.
info@adolat.uz adolat@mail.ru

Ладаи — 1883
Босишга тошириш вақти — 21.00
Босишга тоширилади — 22.30
Баҳоси келишидан нарҳа

НАШР
КўРСАТКИЧИ: 1000

12 1 5 6